

Баҳор айёми қутлуғ бўлсин!

جدید

2026-yil 20-mart
№ 12 (116)

www.jadid.uz



Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, бутун халқимизни эзгулик, меҳр-оқибат ва саховат айёми – муқаддас Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу шуқуҳли онларда барчамизни мана шундай файзли ва саодатли кунларга етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтаман.

Кейинги йилларда шаклланган анъанамизга мувофиқ, мамлакатимизда Рамазон ойини муносиб ўтказиш бўйича бу йил ҳам сизлар билан, халқимиз билан биргаликда кўплаб хайрли ишларни амалга оширдик.

Авалло, махсус қарор асосида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кейинги 35 йилда биринчи марта 1 триллион сўм маблағ ажратилиб, муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, беморларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш каби эзгу ишларга сарфланганини таъкидлаш лозим. Хусусан, 450 миллиард сўм 600 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилага моддий кўмак тариқасида йўналтирилди. Бундан ташқари, ижтимоий реестрдаги даволалш режалаштирилган 6 минг нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, жумладан, оғир касаллар операцияси йўли билан даволанмоқда.

Шунингдек, аҳолига 100 минг дон Рамазон совғалари тарқатилди. “Рамазон тухфаси” лойиҳаси доирасида эса эҳтиёжманд оилалар, “Мурувват” ва “Саховат” уйларида яшовчилар ҳамда хориждаги ватандошларимиз учун 30 мингдан ортиқ ифторлик тadbирлари ўтказилди.

Бундай олижаноб ишлар муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, инсон қадрини юксалтиришга қаратилган ислохотларимизнинг улкан амалий натижалари сифатида барчамизни хурсанд қилади.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг янада муҳим босқичига қадам қўймоқда. Кенг қўламли янгиланиш жараёнлари тўғрисида ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида ўсиш ва юксалиш суръатлари ортиб бормоқда. Диний-маърифий соҳани ривожлантириш, ислом цивилизациясининг бой меросини чуқур ўрганиши ва уни кенг тарғиб қилиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, ўтган йили Бухоро шаҳрида тасаввуф таълимоти-нинг ёрқин намоёндаси, буюк авлиё бобомиз Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари номидаги илмий-тадқиқот маркази ташкил этилганини эсга олиш ўринлидир.

Бу йил эса, мана шу қутлуғ ва муборак кунларда Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Самарқанд вилоятида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасининг очилиши халқимизга ўзига хос Рамазон тухфаси бўлди.

Бу каби эзгу ишларимизнинг давоми сифатида калом илмининг султони Имом Мотуриддиннинг Самарқанд шаҳридаги мажмуаси янгидан барпо этилмоқда. Тошкент шаҳрида эса яқин кунларда Халқаро бағрикенглик ва динлараро мулоқот маркази фаолиятини йўлга қўямиз. Ушбу марказ Ватанимизнинг миллатлар ва динлараро мулоқот ва ҳамкорлик, тинчлик ва дўстлик диёри сифатидаги нуфузини оширишга хизмат қилади, деб ишонаман.

Ҳурматли юртдошлар!

Жаҳондаги ҳозирги гоҳат мураккаб вазиятда оила ва маҳаллаларда, бутун мамлакатимизда осойишталик, файзу барака муҳитини сақлаш, ёшларимизни ёт ва бузғунчи ғоялар таъсиридан асраш ўта долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Биз бу борада катта ҳаётий тажрибага эга бўлган муҳтарам отахон ва онахонларимиз, жонкуяр ака-ука ва опа-сингилларимиз, ҳурматли зиёли ва уламо-ларимизга, маҳалла фаоллари ҳамда

ташаббускор ёшларимизга таянаман.

Ушбу улуғ айём кунларида жаҳоннинг турли ҳудудларидаги уруш ва низолар тезроқ барҳам топиб, барча халқлар тинчлик ва барқарорликда ҳаёт кечиришини тилаб қоламан.

Фурсатдан фойдаланиб, дунёнинг олис ва яқин мамлакатларидаги мусулмон биродарларимизни қўллаб, самимий салом ва тилақларимизни йўллаймиз.

Хорижда байрам шуқуҳи билан яшайётган ватандошларимизни ҳам чин дилдан табриклаб, уларнинг ишлари ва ўқишлари муваффақиятлар тилаймиз.

Қадрли ва муҳтарам юртдошлар!

Аллоҳ таолонинг раҳмати ёғилиб турган ушбу қутлуғ дамларда сиз, азизларни Йил ал-Фитр байрами билан яна бир бор муборакбод этиб, барчангизга сичат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Рамазон ойда тутган рўзаларимиз, қилган эзгу амалларимиз қабул бўлсин! Парвардигори олам эл-юртимизни Ўз паноҳида асрасин!

Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

БУГУННИНГ ШЕЪРИ



Абдулла ОРИНОВ

НАВРҮЗ

Аввал юрагинга мўралайди у,
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйқу,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Қишнинг аҳволига боқиб ҳойнаҳой,
Юм-юм ёш тўкмоқда эриётган муз.
Жилва қилаётир тенгсиз бир чирой,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Она бағри каби илиқдир олам,
Ҳарир ҳовур ичра яйрар дала-туз.
Қолди пучмоқларда хазон янглиғ ғам,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Яна кўнгиллардан рутубат кетди,
Яна шуълалардан қамашмоқда кўз.
Яна дилдорликнинг фурсати етди,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.



(4-саҳифада ўқинг.)

ВАТАНДОШ

ЕВРОПАДАГИ ДИЙДОР

Ўзбекистон ҳукумати томонидан хориждаги ватандошлар билан ўзаро ришталарни мустаҳкамлаш мақсадида муборак Рамазон кунларида ифторлик дастурхонлари ёзиш, Ҳайит байрами муносабати билан уларнинг ҳолидан хабар олиш тadbирлари ўтказилмоқда. Ушбу хайрли ташаббус Туркиядан бошланиб, Европанинг Буюк Британия, Бельгия, Нидерландия, Чехия, Норвегия ва Швеция каби бир қатор мамлакатларини қамраб олди. Хусусан, Ўзбекистоннинг Бельгия қироллигидаги элчихонаси томонидан Роттердам шаҳридаги Хўжатепа жомеъ масжидида ташкил этилган тadbирда икки юздан ошиқ ватандошлар иштирок этди.



Сўнги маълумотларга кўра, Нидерландияда икки минг нафарга яқин ўзбекистонлик расман рўйхатга олинган бўлса, айти пайтдаги норасмий рақамлар бундан анча салмоқли экани айтилади. Шу боис, ватандошлар бошини қовуштириш йўлидаги бундай тadbирлар доираси Нидерландияни ҳам ўз ичига олгани бежиз эмас.

(Давоми 3-саҳифада.)

ҚАДРДОН КИТОБЛАР

БИР АСАР ТААССУРОТИ



Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция сафарлари натижасида яратилган “Бобурийнома”, “Ҳинд сорига”, “Андижондан Даққагача”, “Асрларни бўйлаган Бобур”, “Бобурийлар изидан” сингари ўнлаб асарларни яхши биламиз. Яқинда истеъдодли шоир, “Jadid” газетаси ходими Шахриёр Шавкатнинг буюк аждодларимиз кўним топган Афғонистон заминига, ҳазрат Навоий айтганидек, “зоду ҳамроҳсиз” – яқна ўзи амалга оширган ғаройиб сафари таассуротларини қизиқиб ўқидик. Бу каби сафарномалар мавзуга янгича ёндашуви, ноёб тарихий манбаларга бойлиги, қизиқарли воқеалари билан ўқувчи эътиборини тортади.

(Давоми 5-саҳифада.)

ФАКТ

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармони имзоланди.
- Марказий банк бошқарувининг 18 мартдаги йиғилиши якунлари бўйича асосий ставка 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдирилди.
- Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 1 март ҳолатига Ўзбекистонда чет эл инвестициялари иштирокида жами 18 770 та корхоналар фаолият юритмоқда.
- Тошкент – Хива йўналишидаги “Жалолиддин Мангуберди” тезуор поезди қатновлари жорий йил 2 май санасидан йўлга қўйилади.

ИФТИХОР

Агар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурдирган иморатларга боқинг.
Амир ТЕМУР



УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУНЁДКОРЛИГИ

Замон шиддатидан баъзан ақлимиз лоп қолади. Зиммамиздаги вазифалар, уй-рўзгор, бола-чақанинг ширин ташвишлари билан андармон бўлиб кунлар ойга, ойлар йилга уланади. Шу орада ён-атрофга қарашга, маҳалламиз, шаҳримиз, умуман, юрдаги ўзгаришлар, янгиланишларни кўришга, идрок этишга доим ҳам вақт топа олмастимиз бор гап. Устозларимиз ёзгандай, “Чашма қошида тиниқ сув/Қадрини билмас киши”.

(Давоми 2-саҳифада.)

КЕЧА ВА БУГУН



ЗИЁРАТ


Фалакнинг ишлари қизик, умр йўлларингизни қутилмаган томонларга буриб юборадим.

Талабалик давримиз – Самарқанд давлат университетида ўқиб юрган кезларимиз ҳар йили кузда пахта теримига чиқамиз. Борар манзилимиз асосан Оқдарё туманидаги “Даҳбед” совхози далалари бўларди.

Буни қарангки, 1983 йилда, баногоҳ, камина туғилиб-ўсган Пайариқ туманига бориб қолдик. Яна денг, ўзим ўн йил таълим олган мактаб, не-не гўзал ҳиссиётлару хотиралар қолган таниш ўқув хонаси биз учун ётоққа айланди. Дафъатан одам ишонгиси келмайди.

Чархи кажрафтор устимдан қулганими ёки сийлаганими бу – билломай бошим гаранг. Қадрдон қишлоғим бир одим нарида.

(Давоми 7-саҳифада.)



УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУНЁДКОРЛИГИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Шундай чоғларда янги объектларнинг очилгани ҳақида эшитсак, бориб кўрсак, улар худди Ойдан тушгандай таассурот қолдиради. Беихтиёр кечагина бу ерлар пана-пасткам биноли овул ёки яйдоқ қир бўлганини ўйлаб қоламиз.

Утаётган ҳафта мамлакатимизда тарихий воқеаларга бой бўлди. Аввало, қуёш ва ой тақвимида кўра нишонланган Рамазон ҳайити ва Наврўз байрамининг бири-бирига мувофиқ келишидек камёб ҳодисага шохид бўляпмиз. Халқ таъбири билан айтганда, тўйлар тўйга, байрамлар байрамга уланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокида халқимизнинг юксак ақл-заковати, фидокорона меҳнати билан бунёд этилган мухташам ва муаззам иморатлар – Ўзбекистондаги Ислоҳ цивилизацияси маркази ҳамда Имом Бухорий мажмуасининг тантанали очилиши, ҳеч шубҳасиз, шу саодатли кунларнинг энг муҳим воқеаларидан бири бўлди.

Маълумки, ўлкамиз ҳудуди асрлар давомида жаҳон тамаддуни марказларидан бири сифатида ислом маданияти ва илм-фани ривожига беқиёс ўрин тутиб келган. Буюк мутафаккирлар, алломалар ва муҳаддислар етишиб чиққан бу табаррук заминда бой маънавий мерос шаклланди. Ана шу улкан меросни асраб-авайлаш, уни чуқур ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида барпо этилган Ўзбекистондаги Ислоҳ цивилизацияси маркази айна пайтада халқро аҳамиятга эга илмий-маърифий маскан сифатида эътибор қозонмоқда.


Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан Тошкентда Ислоҳ цивилизацияси маркази бунёд этилаётгани ҳақида тўхталиб, муқаддас динимиз эзгулиги ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга, илм-маърифат йўлига даъват этишини, уни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганлар билан муроаса қилиб бўлмаганини алоҳида таъкидлаган эди. Ана шу юксак гоё ва мақсадлар асосида бунёд этилган янги мажмуа халқимизнинг уч минг йиллик тарихи ва бунёдкорлик салоҳияти, жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси, буюк аждодларимизнинг маданий-маърифий меросини чуқур ўрганиш ва кенг оммалаштиришга хизмат қилади.

Марказ биноси Президент Шавкат Мирзиёевнинг меъморий гоё ва тақлифлари асосида лойиҳалаштирилган. Бунёд этиш жараёнида давлатимиз раҳбари ушбу мажмуага бир неча бор ташриф буюриб, унинг мазмунан ва шаклан янада мукамал бўлиши юзасидан қимматли тавсия ва маслаҳатларини улашди.

Мажмуа маҳобатини ҳис қилиш учун бир неча рақамларни келтиришнинг ўзи кифоя. Хусусан, Марказ Тошкентнинг машҳур Ҳазрати Имом мажмуаси ҳудудидаги 10 гектар майдонда барпо этилган. Бино уч қаватдан иборат бўлиб, узунлиги 161 метр, эни 118 метрни ташкил этади. Гумбазининг баландлиги 65 метр, умумий фойдаланиш ҳудуди эса 42 минг квадрат метрдан зиёд. Қувонарлики, бу каби ноёб кўрсаткичлар мажмуани "Гиннеснинг рекордлар китоби"га киритиш учун ҳам асос бўлади.

Марказ қадимий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида қурилган, унга тўрт томондан – тўрт асосий портал орқали кириш мумкин. Ушбу порталлар ва бинонинг ташқи равоқлари илм-маърифат, бағрикенглик, инсонийлик ва ота-онага ҳурмат мазмунидagi Қуръон оятлари ҳамда ҳадислар билан безатилган.

Шунингдек, бу ерда энг замонавий технологиялар кенг қўлланган. Виртуал ва кенгайтирилган реаллик, сунъий интеллект ҳамда голограмма ёрдамида қадимий қўлэмалар "жонлантирилади", тарихий



Марказнинг асосий зали, таъбир жоиз бўлса, қалби – бу, ҳеч шубҳасиз, муқаддас Қуръон залидир. Бу ерда дунёдаги энг қадимий 6 та Қуръони қаримнинг бири бўлган мўтабар Усмон мусҳафи бугун ўзининг юксак мақомига муносиб шарафли ўрин топди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

илмий муҳит рақамли шаклда қайта тикланади. Томошабин бевосита жараён иштирокчисига айланади, буюк олимлар билан виртуал мулоқот қилиб, илмий тажриба муҳитини ҳис этади.

Ўзбекистондаги Ислоҳ цивилизацияси маркази маҳобати, майдони, қамровига кўра, ислом тарихи, маданияти ва цивилизацияларини ўрганиш ҳамда тарғиб этишга қаратилган жаҳондаги йирик мажмуалардан бири ҳисобланади.

Марказ маҳобати ва милоҳати ҳар қандай нозиктаб инсонни ҳам ўзига тартади. Дилда мустаҳкам деворлар, улғувор эшиклар ортида нима борлигига қизиқиш уйғотади. Китоб муқовасига монанд мазмун ҳам теран ва гўзал бўлиши керак. Шу маънода, Марказнинг "мағзи тўқ" бўлишини таъминлаш борасида илгари тарихимизда қўрилмаган ишлар амалга оширилди. Яъни, мажмуанинг қурилиши ва экспонатлар билан бойитилиши параллел олиб борилди. Ўтган йилнинг ўзида 1,5 мингдан ортиқ экспонат, жумладан, 800 га яқин қадимий қўлэзма, археологик топилма ва тарихий хариталар экспозицияга жойлаштирилган. Айни вақтда хорижий аукцион уйлари, йирик коллекционер ва арт дилерлар билан ҳамкорлик ўрнатилди, 743 та экспонатнинг оригинал, яъни асл нусхалари юртимизга келтирилди.

Марказ жамоаси буюк алломаларимизнинг дунё бўйлаб сочилиб кетган илмий меросини қайтариш устида тинимсиз ишламоқда. Қўплаб коллекционерлар ва жадидларнинг авлодлари ўзларида сақланган қолган нодир манбаларни Марказга тақдим этаётгани, фуқаролар томонидан асрлар давомида оилавий мерос сифатида сақлаб келинган қўлэмаларнинг топширилиши миллий меросга бўлган юксак эҳтиром намунаси.

Мажмуа таркибидagi кутубхона фонди 45 минг 150 тадан зиёд адабиётни қамраб олган, шундан 2 минг 609 таси нодир нашрлар. Бўлимлардан бири 22 нафар маърифатпарвар жадид бобомизнинг меросига бағишлангани миллий ўзликни англаш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир. Жавонлардан Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби миллий фидойиларнинг фотопортретлари ўрин олган. Ҳар бир жадид сиймоси ёнида улар томонидан ёзилган нодир адабиётлар, фаолиятига оид ноёб тадқиқотлар ва ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий манзарасини акс эттирувчи манбалар сақланмоқда. Бу бўлим келажак авлод учун ҳақиқий тафаккур мактаби бўлиб хизмат қилади.

Кутубхонада буюк мутафаккирларимиз ташкил этган илмий мактаблар бўйича ҳам алоҳида бўлимлар бор. Бу ерда уларнинг асарларига ёзилган шарҳлар ва замонавий илмий тадқиқотларнинг тўпланиши тарих ва бугун ўртасидаги маънавий кўприкни мустаҳкамлайди. Ушбу нодир кутубхонани миллий тарихнинг "генетик код"ини асровчи ўзига хос хазина, дейиш мумкин. Марказда тўпланаётган ҳар бир нодир қўлэзма ва китоб Ўзбекистоннинг ёруғ келажиги учун хиз-

мат қиладиган илм бўлогидир. Зеро, маърифатпарвар аждодларимизнинг меросини ўрганиш ва уни халққа етказиш – бизнинг нафақат қаримиз, балки Янги Ўзбекистоннинг буюк келажигига қўйган энг катта сармомиямиздир.

Давлатимиз раҳбари Марказ билан танишини Қуръони қарим залидан бошлагани бежиз эмас. Дарҳақиқат, бу залнинг энг ноёб манбаси бўлган Усмон Қуръони Буюк Темурийлар давридан кейин бугунгидек шарафланмаган эди.

Ушбу Мусҳаф уч асрдан зиёд вақт давомида Самарқандда, кейин қарийб ярим аср чор Россияси кутубхонасида, етти йил Уфа шаҳрида, олтинчи беш йил совет Ўзбекистони музейларида асраб келинди. 1989 йили Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига биноан Тошкентдаги Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идораси ихтиёрига топширилди. Шундан кейин Мусҳаф Мўйи Муборак таркибидagi махсус бинода сақланди.

Эндиликда Ислоҳ цивилизацияси марказининг Қуръони қарим залидан жой олди. Китоб жойлаштирилган махсус ойна-ванд сандиққа яқинлашар экансиз, махсус мэппинг голограммасида коинот тасвири намоён бўлади. Эътиборлиси, гумбаз остидagi юлдузлар композицияси Тошкент осмонида тунда кўринадиган юлдузлар харитаси асосида шакллантирилган. Уларни ифода этиш учун 90 дон "сваровский"



тоши ва 650 дан ортиқ чироқдан фойдаланилгани мазкур залга алоҳида улғуворлик бағишлаган.

Бу ерда Усмон Мусҳафи билан бир қаторда юртимизга тегишли бўлган, турли сулолалар даврида яратилган 114 та нодир Қуръон қўлэмаси жамланган. Бу қўлэмалар Шарқ китобат санъатининг юксак намуналари сифатида нафақат диний, балки улкан тарихий, илмий ва бадиий қимматга ҳам эга.

Марказнинг очилиши Ўзбекистоннинг халқро майдондаги ўрни ва нуфузи ошиб, дунёда ишончли ҳамкор сифатидаги роли ортиб бораётганини тасдиқлайди. Шу билан бирга, у стратегик дипломатия, халқро хавфсизлик ва фаровонлиқни

мустаҳкамлаш, мураккаб глобал даврда ҳамкорликнинг янги уфқларини очишга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамиятли.

Марказда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган. "1001 ихтиро" лабораторияси орқали болаларда илм-фан, техника ва муҳандисликка барвақт қизиқиш уйғотиш мақсад қилинган. Бу эса келажак авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, мажмуа фақат кўргазма майдони эмас, балки йирик илмий муассаса ҳам ҳисобланади. Бу ерда реставрация лабораториялари, хатотлик мактаби ва замонавий рақамли архив фаолият юритади. Худудда қатор нуфузли халқро ташкилотлар ваколатхоналари жойлашгани марказ аҳамиятини янада оширади. Умуман, мажмуани Марказий Осиёдаги энг йирик маданий-илмий лойиҳалардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Шу сабабли, дунё эксперт ва мутахассислари мазкур марказни ислом цивилизацияси илмий меросини замонавий технология орқали жаҳонга тақдим этувчи янги платформа сифатида қабул қилмоқда. Айни вақтда, уни маданий дипломатия ва туризм салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи стратегик объект сифатида таърифлаётганлар ҳам бисёр.

Эътиборлиси, ушбу улкан лойиҳани бунёд этиш жараёнида 40 дан ортиқ мамла-

катдан 1 минг 500 га яқин мутахассислар иштирок этган. Хоразмдаги Маъмур академияси ёки Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси каби ўз даврида Марказий Осиёни дунёнинг етакчи илм-фан марказларидан бирига айлантирган муассасалар анъанасини давом эттирган ҳолда, Ислоҳ цивилизацияси маркази янги авлод учун ушбу бой интеллектуал меросни қайта тиклашга хизмат қилади.

Бу шуни англатадики, Тошкент шунчаки янги музейни тақдим этаётгани йўқ – у ўзининг илм-фан чоррахаси сифатидаги тарихий мақомини қайта тикламоқда. Марказнинг БМТ Цивилизациялар альянси билан имзолаган меморандуми эса унинг глобал миқёсдаги маърифий ва гуманитар аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди.

Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонида донишманд подшоҳнинг тимсоли бўлмиш Мирзо Улуғбекка шундай таъриф беради:

Темурхон наслидин султон Улуғбек, Ки олам кўрмади султон анингдек. Расақдир боғлами зеби жаҳондир, Жаҳон ичра яна бир осмондир. Қиёматга деганча аҳли айём, Ёзарлар анинг аҳқомидин аҳқом.

Давлатимиз раҳбари Марказ очилишига бағишланган нутқида ушбу байтларга ишора қилиб, "Ўз даврида Мир Алишер Навоий бобомиз Мирзо Улуғбекнинг ўлмас мероси дунё тургунча турсин, деб тилак билдирган эди. Бизнинг ҳам орзу-мақсадимиз шундай: Ислоҳ цивилизацияси маркази эл-юртимизга, жаҳон аҳлига ҳаммиша беиминнат хизмат қилсин! Мана шундай улғу ишларнинг бунёдкори бўлган мард ва олижаноб халқи-



Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

миз доимо омон бўлсин!" деб таъкидлади.

Марказ қисқа муддат ичида халқро нуфузли ташкилотлар ва нашрлар томонидан эътироф этилди. АҚШдаги Смитсон институтининг "Smithsonian Magazine" наشري талқинига кўра, ушбу мажмуа 2026 йилда дунёда энг катта қизиқиш билан қутилган 10 та музейдан бири сифатида эътироф этилган. Шунингдек, "Condé Nast Traveler" наشري уни 2026 йил июнь ойида ташриф буюриш мумкин бўлган музейлар рўйхатига киритган, BBC Travel эса дунёдаги энг кўп қутилган музейлар қаторига қўшган.

Биз ҳам Учинчи Ренессанс пойдевори дея таърифланаётган Ислоҳ цивилизацияси маркази, ҳеч шубҳасиз, Британия, Лувр ва Метрополитен музейлари сафига қўшилишига, асрлар давомида юртимиз ва дунё аҳли учун руҳий-маънавий озуқа оладиган бетимсол маърифат қошонаси бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

Тўққиз йил олдин олий минбарда Имом Бухорий номи янрагани кечагидай ёдимизда. 2022 йилда "Олий даражали Имом Бухорий" ордени таъсис этилиши ҳам буюк аллома хотирасига кўрсатилган юксак эҳтиром намунаси.

Кўни кеча Президент Шавкат Мирзиёев Имом Бухорий мажмуасида якунига етган бунёдкорлик ишлари ва яратилган шароитлар билан танишди.

Мажмуа Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан буюк муҳаддис бобомизнинг ислом оламида тутган юксак мавқеи, улкан салоҳиятига муносиб тарзда қайтадан бунёд этилди.

Буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони қаримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган "Саҳиҳи Бухорий"нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган. Бу улғу зотнинг гоёт бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифатий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Шавкат МИРЗИЁЕВ
(БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқидан)

Бу ерда зиёратчиларга ҳар томонлама қулай шароит яратилган. Хусусан, мажмуа қошида туризм маркази очилиб, ёндош 15 гектар майдонда замонавий инфратузилма яратилиб, шинам меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш ва сервис нуқталари барпо этилган.

Мажмуа илгари бир кунда 12 минг зиёратчига хизмат кўрсатган бўлса, ҳозир 65 минг нафар зиёратчини қабул қилиш қувватига эга. Унинг майдони 45 гектар. 10 минг кишига мўлжалланган улкан масжид, маъмурият биноси, 154 устунли, миллий услубдаги мухташам айвон қурилди. 14 та мовий гумбаз, 75 метрлик 4 та минора қадамжого улғувор қиёфа бағишляпти.

Мажмуа таркибида энг илғор ахборот технологиялари асосида 9 павильондан иборат ноёб инновацион музей ҳам барпо этилган. У ислом оламида муҳаддислар султони дея эътироф этилган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссасини намоён этади.

Президентимиз бу жой фақат зиёрат эмас, илм-маърифат, тарбия ва ибрат маскани бўлиши, Имом Бухорийнинг буюк изланишлари, билими ҳамда камолоти зиёратчилар, айниқса, ёшлар учун эзгу намуна бўлиши кераклигини таъкидлаганди.

Шунинг учун ҳам ташриф давомида Имом Бухорий мажмуасида маънавий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, уни чинакам тарбия ва ибрат мактабига айлантириш, бу ерда имом-хатиблар, маҳалла фаоллари учун малака ошириш дастурларини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Ушбу икки мажмуа Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда маънавий-маърифий йўналишдаги фаолият учун фундаментал база, ёшларимиз орасидан янги хоразмийлар, беруний ва улғубеклар, фарғоний ва ибн синолар, бухорий ва термизийлар етишиб чиқиши учун мустаҳкам маънавий майдон бўлажак! Бу барчамизнинг эзгу ниятимиздир.





“Наврўзи олам 3 минг йиллик давлатчилигимиз тарихида ўзининг беқиёс маънавий аҳамияти билан ҳамisha алоҳида эътибор топган буюк байрамдир. Халқимиз асрлар давомида оғир ва машаққатли, синовли пайтларда ҳам бу байрамни олижаноб табиати ва қадриятлари билан асраб-авайлаб келгани чинакам мўъжизадир”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ КУН!

НАВРЎЗ ДУНЁСИ

Бугунги кунда Наврўзга бутун инсоният байрами сифатида қаралмоқда. Уни муносиб нишонлаш борасида эса олам аҳли туркий халқлар меросидан улги олмақда. Ҳар бир халқдаги ўзига хослик, ягона байрам руҳига биришиб, камалакдек гўзаллик ва мутаносибликни ҳосил қилади.

Кўпчилик Наврўз деганда кўз олдига сумалак ва ҳалимини келтиради. Ҳолбуки, муҳташам туркий дунё халқлари орасида байрам тимсоли бўлган бошқа тансиқ таомлар ҳам бор. Улар фақат егулик эмас, балки ўзида рамзларни муҷассам этган халқ даҳоси маҳсулидир.

Масалан, белоён қозоқ даштлари аҳли байрамда “Наурыз-кўже” тайёрлайди. Таомга соғлиқ, донолик, ўсиш, қувонч, омад, бойлик ва илохий ҳимоя рамзи сифатида сув, гўшт, туз, ёғ, ун, дон ва сут каби етти тамақ маҳсулот қўшилади. Етти уйда пиширилган “Наурыз-кўже”ни татиб кўрганлар йил бўйи бахтли бўлишига ишонилади. Аслида витаминларга тўйинган таом соғлиққа, соғлиқ эса бахтга элтади. Маълумот учун, Наврўз Қозоғистонда 1999 йилдан буён расмий байрам сифатида нишонлаб келинади.

Қирғиз қардошларимиз эса “янги кун”ни ўтовларда, оқ дастурхонга тортилган энг яхши таомлар билан қаршилайди. Хусусан, буқа гўшtidан шўрва кун таоми ҳисобланади. Унга гуруч, нўхот, бугдой, маккажўхори, ун, картошка, тарик ва зирворлар қўшилади.

Озарбайжонликлар дастурхонидан шу кун “Шакябурра” (Ой рами бўлган таом), пахлава ва бугдой майсаларини топасиз. Шунингдек, “с” ҳарфи билан бошланган етти таомдан ҳам баҳраманд бўлишингиз мумкин.

Кун ҳамалга кирди эрса,
Келди олам Наврўзи,
Кечди баҳман замҳарир қиш,
Қолмади қори, бузи.

Носириддин РАБҒУЗИЙ

Наврўз баҳорги серқуёш кунлар бошланиши демек. Куёшнинг ердаги рамзи эса оловдир. Шу маънода айёми нишонловчи Шарқ халқларида гулхан билан боғлиқ тарихий маросимлар сақланиб қолган. Хусусан, турклар шу кун аланга устидан етти марта сакрайди. Бу иш муваффақиятли ўтса, йил



бўйи омад ва муваффақият тарк этмайди, дейилади ривоятларда. Тожик биродарларимиз эса Наврўз арафасида ўзини поклаш, соғлиқ, хотиржамлик ва қут-баракага эга бўлиш учун гулхан атрофида айланади. Мавсумий халқ ўйинлари ва маросимларда бир-бирига ўхшашлик бор бўлиб, ягона мақсад жисмоний чиниқиш ҳамда миллий қадриятларни кўрсатишга хизмат қилади.

“Наврўзнинг бетакрор гўзаллиги, инсонпарварлик руҳи ва теран фалсафаси глобаллашув даврида ҳам бутун башариятни ҳайратга солаётгани унинг азалий моҳияти ва ҳаётбахш кучидан далолат беради. Наврўзи олам ҳозирги кунда барча элу элатларни, жумладан, Марказий Осиё халқларини янада жипслаштирмоқда”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Дарҳақиқат, бугун минтақамизда Наврўз айри-айри ҳолда эмас, умумий миқёсида нишонланмоқда. Айниқса, Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров иштирокида уч мамлакат давлат чегаралари туташган ҳудудда Дўстлик стеласининг тантанали равишда очилиши қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши

рамнинг қай мучал ва қайси кун кириши борасида шарқона қарашларни ифода этган. Шундан келиб чиқсак, бу йилги Наврўз от йилининг шанба кунига тўғри келди. Бобомиз: “Агар Наврўз шанба кунга кирса, Зухал (Сатурн)га тааллуқлидир. Ёмғир кўп ёғмай, кўзи экинлар яхши бўлмай. Агар Наврўз от йили кирса, ёз ва қиш мўътадил бўлиб, мевалар ва ғаллалар кўп бўлмай. От йилида тутилган фарзанд заҳматқаш, дониш, мардона, хушфезл бўлмай”, деб таъкидлаган.

ДУНЁ НАВРЎЗИ

Баҳорнинг кириб келиши бошқа халқларни ҳам шодликка, қувончга чорлайди. Уларнинг ўз баҳорий байрамлари – Наврўзи бор.

Японияда сакура гуллаши катта шодиёнага айланиб кетади. Март-апрель ойда табиат ҳодисасини кўриш учун бутун дунёдан ўн минглаб сайёҳ ташриф буюради. Бу мавсумда “Ханами” (“Гулдан баҳра олиш”) фестивали ўтказилади.

Испанлар 15 мартдан 19 мартгача “Фальяс” фестивалини нишонлайди. Бу олов байрами ҳисобланиб, тарихи дурадгорликка бориб тақалади. Унда улкан кўғирчоқлар ясалиб, Валенсия ва бошқа шаҳар кўчалари бўйлаб олиб ўтилади. Мушакбозлик бўлади. Байрам якунида барча кўғирчоқлар ва одамлар омадсизлик келтиради, деб ҳисоблаган буюмлар гулханда ёқилади. Бу

билан покляниш ва янгиланиш ният қилинади. Шу жиҳатдан зардуштийлик анъаналарини ёдга солади.

“Сариқ аждар” юрти фуқаролари фаслани “Баҳорни тишлаш” билан кутиб олади. Номи антиқа эшитиладиган бу фестивалда одамлар қишнинг тугаши ва баҳор келиши рамзи сифатида дайкон (қизилча ёки турп) мевасини тишлашади. Гуруч ва мевалардан ширинликлар тайёрлаш одат тусига кирган. Хитой миллий тақвими бўйича шу кунларда Янги йил нишонланади.

“ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН”

Албатта, башариятнинг турли талқин ва кўринишга эга бўлган байрамларини, маросимларини ҳурмат қиламиз. Улар орасида ўзимиз нишонлайдиган байрам кўнглимга ёқимли, негадир. Мана, бу йил 35-мартда Истиклол Наврўзини умумхалқ байрами сифатида нишонлаймиз.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган том маънодаги тарихий ўзгаришларга мос ҳолда, маъно-мазмуни тобора чуқурлашиб бораётган Наврўз айёмини барча шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун юртимизда умумхалқ сайли сифатида, юксак ташкилий савияда ва кўтаринки руҳда нишонлаш мақсадида март бошида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинган эди.

Ушбу ҳужжатда, хусусан, байрам доирасида жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар вакилларининг миллий урф-одатлари, анъана ва қадриятларини кенг намойиш қилиш; хунармандлик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш, китоб кўргазмалари, арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари, кўча савдо дўконларини ташкил этиш, кўклам таомларини тайёрлаш ҳамда бу борада кўргазмалар савдо ва танловларни уюштириш белгилаб қўйилгани ҳам Наврўзнинг чинакам умумхалқ байрами мақомига муносиб ўтишини кафолатлайди.

Янги кун – Наврўз айёми Янги Ўзбекистонимизга бахту саодат, қут ва барака келтиргай, иншаоллоҳ!

Гулжамила АЪЗАМХЎЖАЕВА,
Халқ таълими аълочиси,
Халқ таълими фидойиси



Бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ҳақидаги фильм намойишидан сўнг Ўзбекистоннинг Бенилюкс мамлакатларидаги элчиси Ғайрат Фозилов ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакили Шавкат Ҳамдамов хориждаги барча ватандошларга давлат ҳамishi камарбаста бўлиб, уларнинг оғирини енгил қилишга кўмақдошлик устувор вазифа эканини таъкидлади.

Айтиб ўтиш жоизки, икки мамлакат ўртасидаги алоқалар Нидерландияга келиб ишлаётган ўзбекистонликлар сони ортиб бораётгани билангина чекланмайди. Иккинчи жаҳон уруши даврида нацистлар томонидан жувонмарг этилган 101 нафар юртдошимизнинг хоки айна шу заминда ётгани ҳам ўзаро ришталар аслида чуқурроқ

еканидан далолат. Меҳмонлар ўша асир аскарлар сўнги макон тутган Амерсфорт-Леусденда бўлиб, бу жойда Ўзбекистон ҳукуматининг молиявий кўмагида барпо этилган хотира музейи билан танишиди, унинг раҳбари Ремко Райдинг бошчилигида олиб борилаётган фаолият тафсилотларидан бохабар бўлди. Ўз юртидан олисда ҳалок бўлган марҳумлар руҳига Қуръон тиловат қилинди.

Мазкур тадбирлар Европа мамлакатлари, хусусан, Нидерландиядаги ўзбек жамоатчилигини бирлаштириш, уларнинг юртимизга дахлдорлик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шарифжон АҲМАД
Амстердам.

Суратлар муаллифи
Хусрав ОЗОДОВ.



ЕВРОПАДАГИ ДИЙДОР



Абдулла ОРИПОВ
Ўзбекистон Қаҳрамони

НАВРҶЗ

Яшадим қиш фаслин узун тунда,
Кўрдим ёруғлиқни тун якунида.
Жоним, Сен ҳам энди тараҳхум айла,
Сен ҳам табассум қил Наврўз кунда.

АЖАБ ҲИҚМАТ

Гоҳо ер меҳрини ўйларкан,
Эсга тушар дорнинг сиёғи;
Ажаб ҳиқмат, одам ўларкан
Узилганда... ердан оёғи.

КОИНОТ ГУЛТОЖИ

Коинот гултожи инсондир азал,
Ундадир энг олий тафаккур, амал.
Ҳатто у тубанлик ичра ҳам танҳо,
Ё фалак, ижодинг бунча мукамал.

ҚУШ ТИЛИ

Абдулла Қодирийга

Азалий ҳақ гапни яшироқ нечун?
Завол йўқ энг асл истеъдод учун.
Агарда коинот тегирмон бўлиб,
Оламни янча ҳам, қолгай у бутун.

ХАЛҚНИ АСРАСАНГ

Ҳеч кимса девор билан ажралганмас оламдан,
Вужудингга туташдир тегрангдаги шу хилқат.
Яхшилик қил ҳаммага, қайтажак ўзинга ҳам,
Сен ўзингни асрайсан халқни асрасанг фақат.

НИҲОЛ

Чинор соясидан баҳраманд бўлиб,
Турфа хил эртақлар тўқимоқ осон.
Ўзинг ҳам эртанинг ташвишин қилиб,
Қайдадир бир ниҳол экдингми, инсон?

АМУДАРЁГА

Кимлигимни билар эдим озроқ,
Билар эдим суюқлигимни.
Амударёни кўрганда бироқ
Билиб қолдим буюқлигимни.

ДҶСТЛИК

Биз битта дарахнинг шоҳчаларимиз,
Бир боғнинг туташган боғчаларимиз.

Мангудир Ватанда мардга эҳтиёж

Замин коинотда бир тоғ бўлса, биз —
Бир-бирин суяган тоғчаларимиз.

УСТОЗ

Дедилар, дунёда асли ким азиз,
Айтдилар, устоздир, устоз беғумон.
Тағин айтдиларки, азиз, шубҳасиз,
Устозин қадрига етолган Инсон.

МУАЛЛИМ

Шоирга дедилар: — Сиз бахтли инсон,
Халқингиз ардоқлар, ҳамма танийди.
Шоир жавоб қилди: — Менда бир армон:
Муаллим десалар мени, қанийди!

ИЛТИЖО

Дунёдан ўтаркан улғур бир даҳо,
Худого сўнги бор қилди илтижо:
— Мендан сўнг номимни бирор зуредим
Пеш қилиб юрмаса бўлди, Илоҳо!

БИЗ

Матлаб бир бўлмаса — жам бўлмағаймиз,
Жам бўлсак — бошимиз ҳам бўлмағаймиз.
Жам қилсак инсофу диёнати ҳам,
Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмағаймиз.

ШУҚР

Жаннат сени илҳақ кутиб турганмас,
Дўзах ҳам сен билан, албатта, тўлмас.
Битта сени ютиб ер ҳам тўймағай,
Энди шўқр қилу яшайвергин, бас.

ДАРД

Нега ёмонларга дард бермас Худо,
Ҳатто товонига тикан кирмайди?
— Ҳамманинг жонига теккан у бало,
Худо дардини ҳам раво кўрмайди.

ЭР ЙИГИТ

Ўғлим, бўл ҳиқматни қилгил бошга тож:
Ҳеч кимса бўлмасин номардга муҳтож.
Эр йигит қалқондир юртига доим,
Мангудир Ватанда мардга эҳтиёж.

ХОРИЖ РАДИОСИ

Йўқчиликни кўрса, “Нега йўқ?” дейди,
Тўқчиликни кўрса, “Нега тўқ?” дейди.
Кўрқоқ деб атайди индамай турсанг,
Ҳақ гапни гапирсанг, “Қилма дуқ!” дейди.

ДҶСТ

Дейсанки, ёлғизлик айлади одош,
Билмам, қаёқларга олиб кетсам бош.
Дўстинг камлигидан нолима иним,
Битта бўлса ҳам У қуёшдир, қуёш!

ТИНЧЛИК

Дунёда битта сўз бор тенгдир катта-кичикка.
У ҳатто коинотни ҳарир каби ўрайди.
Кимдир кимни йўқласа кўз тикиб яхшиликка,
Даставвал бир-бирдан: “Тинчликми?” деб сўрайди.

КҶРДИМ

Кўрдим ҳаёт боғин кўп инъомини,
Кўрдим пишганин ҳам, кўрдим хомини.
Майли, сафарга чиқ, ҳар қайга боргил
Ва лекин пок тутгин юртинг номини.

ҚОДИРИЙ

Сизга юз минг жаннат бўлғайдир раво,
Сизга бундан кўпин бергайдир Худо.
Шунча йил дўзахи кимсалар билан
Чидаб яшадингиз, Қодирий бобо!

МАРТАБА

Бир улғур мартаба тилайман Сизга,
Унинг моҳияти Ҳаққа тегишли.
Десинлар, фалончи тегишли бизга,
Ватанга тегишли, халққа тегишли.

ШИРИН СҶЗ

Ташна қўлтум сувни орзу этгайдир,
Олтин пиллани, ахир, нетгайдир.
Беморга мол-дунё ваъда айлама,
Бир оғиз ширин сўз унга етгайдир.

ЯХШИЛИК

Дунёда шундайлар учрайди, билсанг,
Алиф ҳам чиқмайди қорини тилсанг.
Ҳаммани ўзига ўхшатади у,
— Қанча олдинг, — дейди, яхшилик қилсанг.

ФЕЪЛ

Навоий ҳақида кимлардир гоҳо
Таъблари нозик деб қилган итдао.
Лекин ўларнинг феъллари қандоқ?!
Ўйлаб кўрмаганлар буни мутлақо.

ХЕШУ АҚРАБО

Ишларинг юришиб тургани асно,
Кўпайиб кетади хешу ақрабо.
Дарвиннинг китобин қўлтиқлаб олиб,
“Тоға”, деб келади маймун ҳам ҳатто.

ЎЗБЕКЧИЛИК

Очлик босган уйини,
Кўкрак кериб юради.
Боғлаб қўйган қўйини
Тўёнага беради.

МАККОР

Ёмон аёл деган бир ибора бор,
Ҳеч кимга тегмасин бу тамга зинҳор.
У аввал эрининг бошини ейди,
Сўнгра болаларга ўтади, маккор.

БЕОЗОР КИБР

Кибру ҳақоратнинг хиллари бисёр,
Ҳатто кўринишдан жим ва беозор.
Кўнсангиз шудир, деб юз қадам йўлни
Уч кунда босувчи кимсалар ҳам бор.

ОНА ТУПРОҚ

Бир вақт Ватанимдан кетдим кўп узоқ,
Келдиму заминга эгилдим шу чоқ.
Орада қандайн мулоқот бўлди
Битта мен биламан ва билгай тупроқ.

АБАДИЙ АДАБИЁТ

Николай ИЛЬИН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси

ШОИР БИЛАН ҲАМНАФАС



1970 йиллар бошида университетда ўтказилган йиғинлар ҳамон хотирамда. Уша пайтлар ўзбек ва рус филологияси битта бўлиб таркибда эди. Талабаларнинг ўзаро муносабатлари илиқ, суҳбатлари соз эди. Биз ўзбек гуруҳидагиларга Александр Файнберг шеърларини ўқиб берардик, улар эса русийзабонларга Абдулла Ориповдан ўқитардик. Шундай мушоираларнинг бирида эшитганим — “Ўзбекистон — Ватаним меним” шеъри кейинчалик ижодим нақоратида айланди. Уша вақтлардаёқ бу шоир ўзбек маданияти ривожига катта ўрин тутадиган улғур шахсга айлангани, ушбу сатрда тизилган сўзлар менинг тилимда ҳам самимий жаранглаши мумкинлиги эҳтимолини ички сезги билан ҳис қилганим.

У пайтлар кун келиб ўзбекнинг буюк шоири таржимонларидан бирига айланишим, адабиёт ҳақидаги пурмаъно фикрларини ўз оғзидан эшитишим, таржимонлик фаолиятим ҳақида мулоҳазаларини тинглашим мумкинлигини тасаввуримга сиғдирилмасдим. Устоз ҳаммаша менга нисбатан ҳайратланарли даражада меҳр кўрсатар, бағрикенглик билан ширин муомалада бўларди. Унинг ўзи ҳам шогирдлик вақтида устозлари билан бўлган муносабатларни яхши эсларди. Бу ҳол “Устоз Миртемир сабоқлари” шеърда яққол намоён бўлади:

Устоз Миртемирни эслайман ҳануз,
Раҳмдил, бағрикенг, аёли, танти.
Юз бор қаламида қайраларди сўз,
Юз бор ўзгарарди шеърини ҳар банди.
Мулоим боқарди Устоз доимо,
Теарасида бизлар — узоқ-яқинлар:
Қаршидан, Нукусдан, Сирдарёдан ё
Хоразмдан келган Усмир оқинлар.
— Ишланг, — дерди

Устоз, — шеър бўлсин равон,
Меҳнатдан қочмасин ижодкор халқи.
Лекин камситмасди бизни ҳеч қачон,
Устоз шунинг учун Устоздир, балки.

Абдулла Орипов суҳбатларига унинг кучли руҳий қудрати билан бирга, оддий ва самимий инсон сифатидаги мулоқот маҳорати ҳам сезилиб турарди. Бу хусусият “Оддий одам” шеърда жуда ёрқин ифодаланган:

...Лекин қўлимда бор на қудрат, на дов,
Оддий одамдирман, билсангиз агар.
Асло ажабланманг кимлигим кўриб,
Кучим етар балки шеърини нидога.
Мен фақат сиз билан ёнма-ён туриб,
Илтижо қилишим мумкин Худога.
Абдулла Орипов шеърлятида ўз ғояларига,

устоз ва мураббийларига, инсоний фазилатларга садоқат шахс қадр-қимматининг асосий мезонларидан бирига айланди. Маънавий қадриятлар тизимининг марказида инсоннинг ахлоқий мавқеини муҳажасам этган ихлос ташуунчаси жойлашган:

Ихлосни сен тўғри тушунгин, болам,
Топширқ эмас у, юмуш эмас у.
Фақат самимият унда мужассам,
У инсон қавмига ҳамроҳдир мангу.
Яхшиликни ёдда тутиш, гамхўрлик ва эътибор учун миннатдор бўлиш, табиийки, инсон фазилати ҳисобланади:
Қирқ йиллик адоват унутилар секин,
Унутилар ҳатто юракдаги дарз.
Яхшиларнинг меҳри унутилмас лекин,
Унутилмас улар олдидаги қарз.

Энг иқтидорли шахс ҳам атроф-муҳит билан узвий боғланмас экан, комилликка эришолмайди. Абдулла Орипов шеърлятида инсон ва жамият, одам ва унинг ватани ажралмас ахлитлик сифатида талқин этилади. Шоирнинг ижтимоий лирикаси кўп жиҳатдан Ўзбекистоннинг мустанқилликка эришиш жараёнлари билан боғлиқ. Ўз миллати ўрнини, ўзига хослигини, тарихий бойлиги ва маънавий юксалигини англаш унинг ижодини қамраб олган муҳим мавзудан бири. Шоир юртдошларининг кўзларига тик қараб, шундай дейди:

Дунёда энг ноёб, энг тансиқ сўздек
Битта каломимни айтаман сенга.
Ўзбекистон десам, десам гар ўзбек,
Иккита қоракўз кўринар менга.

Бу кўзлар шодликдан, гамдан зиёда,
Унда пок юраклар ўқурлар ваҳий.
Маъносиз назарлар тўлиқ дунёда,
Бу кўзлар илоҳий, чиндан илоҳий.

Абдулла Ориповнинг лирик қаҳрамони ўз қийинчиликларини бошқаларнинг елкасига юклашни истамайди, шундай ҳолатда ҳақиқий инсоний фазилатларни намоён этади, қийинчиликни енгиб ўтиш учун таянчи ўзидан қидиради ва ҳаётийлик манбаини ички кучидан топади:

Юрагинг сиқилса,
Тикилса нафас,
Сен борлиқ қўйнига олиб кетгин бош.
Балки ўзга дийдор энди шарт эмас,
Балки керакмасдир бошқа суҳбатдош.
Ўтмиш фожиаси, ҳаёт машаққатларини чуқур англаб етиш одамни нафақат сабр ва матонатга, балки қисмати оғир бўлганларга меҳр-шафқат кўрсатишга ҳам ўргатади. “Муножот” куйидаги мунгли оҳанг ва аламли илтижо шу номдаги шеърда ўзгача таъсирчанлик руҳи билан жонланди:

Эшилиб, тўлганиб ингеранади куй,
Асрлар гамини сўйлар “Муножот”.
Куйи шундай бўлса, гамнинг ўзига
Қандай чидай олган экан одамод!
Абдулла Ориповнинг ижодий меросини кўзатарканмиз, бир қарашда жуда оддий туюлган мисралар улғур ва боқий қадриятлари — Она Ватани ва ватандошларни севишни, ўз тарихи ва маданиятини ҳурмат қилишни, меҳнатсеварлик,

ҳалоллик, вафо ва садоқатни ўргатишига амин бўламиз. Оддий ва табиий нарсаларни санъат даражасига олиб чиқиш, аслида, ҳар доим мураккаб ва машаққатли бўлади. Бизнинг шоиримиз эса буни теран ва ўзига хос тарзда уदдалай олган.

Эсласам, шоир ижоди нафақат бугунги куним, балки болалик йилларимга ҳам дахлдор экан. Айниқса, “Авлодлар” шеърини ўқиб ҳаяжонга тушганим ёдимда. Чунки бу шеърда ҳаётимда рўй берган воқеага ўхшаш ҳолат айнан тасвирланган эди.

Бир муддат ижарада яшаганмиз. Маҳаллада бизнинг оиламиз рус миллатига мансуб ягона оила эди. Кўчада ўйнаб юрган маҳалла болалари билан дўстлашиб кетдик, биз биргаликда дарё бўйига саёҳатга борардик, шахмат ўйнардик, тўпнинг орқасидан чопардик, ўша йилларда “Климов” (“Пахтакор” жамоаси дарвозабонининг исми) деган фахрли лақабга сазовор бўлганман. Узоқ йиллардан сўнг, яқинда болалигим ўтган Тошкент давлат университети яқинидаги ўша қадрдон маҳаллани зиёрат қилиш учун бордим, анча вақт кўчаларни сарсон кездим, қадрдон жойларни базўр танидим.

Мана, менинг кўчам, қачонлардир ўзим ясаган “Тинчлик кўчаси” деган гаройиб тахтача осилган пастқамгина уй. Ҳаёлга чўмиб бораётсам, кўзим тўп тепаётган болаларга тушди. Улардан бири ёнимга югуриб келиб “Ака, кимидир йўқлаб келдингизми?” деб сўраб қолди. Уша паллада “Авлодлар” шеърининг машҳур сатрлари юрагимни титратиб, қулоғим остида жаранглади:

Болалигим ўтган у чекка қишлоқ
Кўчасин ораб кезаман танҳо.
Йўл усти, сўрайди бир бола шу чоқ:
— Кимнинг ҳовлисини излайсиз, бобо?

Мен-ку, эринмасдан кимлигимни ҳам
Болага айтишим мумкин шу жойда,
У мени тинлар ё тинламанг, қайдам,
Бунинг барчасидан унга не фойда.

Ёлғиз жигарим — катта опам ҳаётдан кўз юмганида қаттиқ изтиробга тушдим. Кейин ўзим ҳам оғир касалликни бошимдан кечирдим. Бир қанча вақт Ёзувчилар уюшмасининг хушманзара “Дўрмон” ижод боғида соғлигимни тиклашимга тўғри келди. Ҳар доимгидек эрта тонгда сайр қилиб юрган чоғимда ёнимга ёши улғур ўзбек аёли келиб сўз қотди:

— Сиз Николай Ильинимиз?
— Ҳа, — жавоб бердим мен.

— Сизни танийман. Мен яхши биладиган русийзабон ягона ижодқорисиз. Абдулла Ориповнинг менга бағишлаб ёзган шеърини таржима

қилгансиз, эсингиздами?

— Бўритош Носировна! — дедим бачанд овозда, ўзбек аёллари орасида кам учрайдиган бу исми яхши эслаб қолган эдим.

Биз шу тариқа танишдик ва шундан сўнг тез-тез кўришиб, дилдан суҳбатлашадиган бўлдик, шунда мен шоиримиз ҳаётидаги синовли, ташвишли даврларда бу аёл билан нима учун илиқ муносабат ўрнатганини ангаддим:

Кун-кеча айрилмай юрган дўстлар ҳам
Ўйлаб саюмлашган пайтлар кўп бўлди.
Фақат сендайларни эслганим дам,
Қалбимни қайси бир кетмиши тўлди.

Бўритош ҳаммага меҳрибонлик кўрсатар, самимият билан муомала қиларди. Қалби тоза, иймонли муслима бўлган бу аёл ҳамманинг ички дунёсига йўл топа билар, ёмонликлар, адолатсизликлар ўтиб кетиши, ҳаммаси вақти келиб изига тушиши, Қодир Эгам бу дунёни яхшилик, сабр-тоқат ва муҳаббатдан иборат қилиб яратганига ишонтира оларди.

Биз у билан менга сингил эмас, йўқотган опам ўрнига опа бўлишига келишиб олдик. Мен қалбимга малҳам бўлган инъом учун Абдулла Ориповга ташаққурлар айтаман.


Шоирнинг юбилей санаси муносабати билан чоп этилиши режалаштирилётган “Танланган асарлар”ини рус тилида нашрга тайёрлар эканман, юқори масъулият билан биргаликда, қалбимда шукроналикни ҳам ҳис этяпман. Чунки менга устознинг шеърларини чуқур мулоҳаза билан қайта-қайта ўқиш, ижодни теранроқ англаш, унинг сўздан қурилган маънавий қасрига ҳамда кўпгина кўзлардан яширин бўлган маҳорат устахонасига назар ташлаш имкони берилди.

Абдулла Ориповни хотирлаш, бой адабий меросини ўқиш-ўрганиш унинг ҳали ҳамон биз билан бир даврда яшаётганидан, унга узоқ умр кўриш саодати насиб этганидан далолатдир, шоир ижоди шу қадар поёнсиз уммонки, унинг поёнини кўз илғамайди.

Абдулла Ориповнинг китобини қўлига олган одам борки, китобхонга айланади, шеърларини ўқиган киши адабиёт муҳлиси бўлади, уларнинг маъносини англаган инсон эса худди бетақор асарлар муаллифи бўлган шоирнинг ўзи каби Ватанига жон фидо қилувчи фарзанд, дарёдил ва масъул шахс бўлиб камолга етади.

Абдулла Ориповни, албатта, ўқин!

Рус тилидан
Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА
таржимаси



БИР АСАР ТААССУРОТИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Бу йил Бобур Мирзо таваллудига бошқача тайёргарлик кўрдим – давралардан бироз чекиниб, Хайридин Султоннинг яратилганига 30 йил бўлган “Бобурийнома” асарини мутолаа қилдим. Қуроқ тузилишию таркиби билан хуш ёқадиган бу китобда сафарнома, “Бобурийнома”, Бобур ғазалиёти, мактублари гузал ҳикоятлар бирлашиб кетган. Бобур Мирзо ва унинг авлодлари изидан йўлга чиққан бир гуруҳ юртдошларимизнинг 18 миң километрлик йўл хотиралари, Эрон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, БАА, Покистон, Афғонистон манзаралари қаламга олинади.

Талабанинг кундаликларидан бошланган сафарнома 1974–1996 йилларни қамраб олади. Улардан орузларга тўла талабалик дунёсининг эпикларини келиб туради – таҳририятлар, нашриётлар ичида ёруғлик қидирган ёшлик эпиклари. “Гулистон” журнали ҳақида гап кетар экан, менга кўпроқ таниш бўлган “Жаҳон адабиёти” журналининг олис ҳарорати юрагимга урилади.

Сафар хотиралари 1992 йил 19 май куни Андижон тупроқларидан бошланади. 14 кишидан иборат Бобур номидаги биринчи Халқаро илмий экспедиция тарих томон йўлга чиқади. Уларга кўшмиши, Ашхобод, Машҳад, Техрон, Табриз, Анқара, Дамашқ, Макка, Мадина, Дубай, Зоҳидон, Мўлтон, Лоҳур, Исломобод, Жалолобод, Кобул, Мозори шариф, Деҳли, Хайдаробод, Агра тупроғини кезар эканман, “Йўлбарснинг тугилиши”, “Ой ботган паллада”, “Паноҳ”, “Тавба”, “Бобурийнинг тушлари”, “Нуқта” ҳикоялари, “Саодат соҳили” қиссаси орқали Бобурийнинг жонли ва жонга яқин қиёфаси кўз ўнгимда яққол гавдаланади, замонлар оша қўллаб ётган тарихнинг чанг босган пардалари орта сурилади.

Ёзувчининг фикр тўлқинлари менга шунчаки йўл эсдаликларини ўқимаётганимни эслатиб туради. Йўлларда йўлиққан хайрат билан қараганларнинг ҳолатини муаллиф шундай шарҳлайди: “Дунё бизнинг бундоғ енгил машиналарни миниб, сайру саёҳат қилишимизга ўрганмаган эди. Чунки биз хоҳ Чехословакия бўлсин, хоҳ Венгрия бўлсин, хоҳ Афғонистон бўлсин, албатта, оғир танк миниб борганмиз. Олам аҳли ҳам шунга кўникикан ва ҳар сафар бизнинг бу каби таширларимизни юрак ҳовучлаб кутадиغان бўлиб қолган эди”. Беихтиёр, бунгун кунимиз “танклар”и Ер юзини ҳар томондан зириллатиб юргани хаёлингизда жонланади, инсон болалари бани одамни бир-биридан узоқлаштириб, бир-биридан безори жон қилиб юраётганини янада чуқурроқ ҳис қиласиз.

Айни пайтда, асарда акс этган мамлакатларнинг ўтмиши, фаровону аянчили ҳаёти, шаҳар ва инсон манзаралари биз китобларда ўқиб юрган қуроқ маълумотлардан анча фарқли эканига амин бўласиз. Бу ўлкаларнинг ҳеч бири бизга бегона эмас, аммо турмуш ва тақдир йўлларидан мутлақо беҳабар қолиб кетишимиз, афғонларини янглиш тушунишимиз. Зиёратчиларимизга миннатсиз музқаймоқ тутганлар, қадим ўлкаларни хорликка чўктираётган ахлоқсиз аёллар, нон иланжида мактабларни тарк этган мурғак болалар-у, савдо устидида ғаво қилаётган ҳожилар, олис йўллардаги сарбонлар, қўриқчилик қилганлар ош-нон берганлар – бир бутун асар қаҳрамонидек ёдингизга ўрнашиб қолади.

Бобур Мирзо, Абдулла Қодирий тилига хос оҳанглр билан безак берилган услуб хаёлотни аллалайди. Сафарнинг оғир кезларини ифодалашда фойдаланилган “уйку эчкининг йўталидаши қисқа бўлди”, “ёнбошимиз ерга тегмаёқ пинакка кета бошладик”, “кўнгилни бамисоли афғоннинг иштонидай кен қилиш керак”, “ҳеч бирорта тилни билмасанг, чет элларда номаъқулнинг нонини еб юрибсанми” каби қочиримлар-у, халқона иборалар – қайси заминда кетиб боришмасин, китобхонга уларнинг ўзбек эканини уқтириб туради, ўзбекона ўқтамликка қоришиб кетади.

Асар орқали Туркистон тарихини ўрганган, ўрганаётган хорижлик ва ўзбек олимлари, уларнинг энг муҳим тадқиқотлари ҳамда ноёб манбалардан хабардор бўламиз. “Бобурийнома”, “Зафарнома”, “Тарихи Муҳаммадий” билан йўғун тасвирлар олис теурийлар, бобурийлар тарихига, нечача неча кечмишлар ичига олиб кириб кетади.



Шахнозахон НАЗАРОВА,
филология фанлари доктори,
доцент

Баъзан ғарб адабиётидан воқеликнинг қайси-бир жиҳатларига алоқадор ўринлар эсланадики, тафаккурнинг бу ўйини ўқувчида завқ уйғотади.

Ровий Бобур Мирзо асарларини мукаммал ўргангани сезилиб туради. Сафарнинг ҳар одимини Бобур билан руҳоний бирликда ташлайди, ўзини ҳар қачон Бобур ҳазратлари қузатиб тургандек ҳис қилади ва шундай ёзади. Қadam-бақadam сиз ҳам Бобур Мирзо асарларини, ҳаёт саҳифаларини ўрганиб борасиз. Бу ўрганиш – Бобур авлодлари мероси, тарихи, ҳаёт йўллари, аждод-авлодлар ўртасидаги руҳоний боғлашилари ўрганишга қадар кенгайиб боради. Бобур Мирзо ижодидан Комрон Мирзо ижодига сизиб ўтган нозиклиги изтироблар, аламлар авлодлар тақдирдаги уйғун ва аянч нуқталарни кўрсатиб беради.

Ҳар муқаддас заминнинг шукри ҳам тавбаси билан экан. Асарга эргашиб, Каъба йўлидаги ҳар турли ирқлар-у, миллатлардан иборат тўс-тўполон – улкан оқим ичида кетиб борасиз, аслида ҳам, бу талотум дунёмиздан шундай кетиб бормаяпмизми? Дарҳақиқат, “Бобур Мирзо ҳам қадим Алишер Навоий каби бизнинг одатий турмушимиздан, кундалик майда ҳоҳ ваҳаслар ила хиралашган, самовий сирлардан, илоҳий жозибадан маҳрум бўлиб, бениҳоя ғариблашиб, ҳувиллаб қолган ҳаётимиздан нақадар юксакда!”


Зиёратчилар узоқ ва машаққатли, хатарнок йўлларни босиб, Бобур мақбарасига етганларида, китобхон юрагига бир симиллаш уйғонади. Олис аждодларга муҳаббат ҳам иймондандир: “Бисмилло айтиб, юрагимиз ҳаяжондан антикиб, зиналарга қадам қўйдик. Мана, баландда, юксак тоғлар пойида жойлашган оқ мрамор мақбара. Мўъжазгина, худди Бобур Мирзонинг ўзи янглиғ ортиқча ҳашам ва дабдабалардан холи, сипо ва камтарин бир оромгоҳ. Беихтиёр кўзларингиз намланиб, бўзгингизга ҳўрсиниқ текилиб кела бошлайди. Мана шу совуқ сағана остида, икки газ қора тупроқ қаърида шиддат-шижоати билан оламга сиймаган шери мард ётибди” – Ватандан кўз узмаган, эҳтимол, ҳар тонг Ватан зиёратига келади-ган жўмард баҳодир.

Китобнинг кейинги саҳифаларида Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг навбатдаги сафарлари тилга олинади. Бобур Мирзо авлодлари билан учрашув, уларнинг шонли тарих ҳақидаги хотиралари, неча асрлик қувғин ва қатллар, азоб-хўлатларга қарамай, бобурийлар шаънини ўқситмай кўтариб юрганлари, ота юртга бўлган сўнмас интилиши менда чексиз муҳаббат уйғотди. Сулола соҳибаси Лайло Уммахоний 1993 йил Тошкентга йўллаган мактубида “ёш насллар тарбияси борасида сизлар кўп меҳнат қилишингиз лозим”, дея васият қилади. Бу – буюк сулола шарафи, номусини сақлаган, авлодларни шу руҳда тарбиялаган улўғ ёшдаги онахоннинг сўзлари, эндигина мустақилликка эришган навқирон Ўзбекистон фарзандларига бўлган оналарча меҳр ва авлодлар олдидаги масъулиятнинг ифодасидир.

Китобнинг менга хуш ёққани ва мутаассир қилгани, эҳтимол, ёзувчи бу ғаройиб асарини менинг ёшимда қоғозга туширгани ва айни даврда ўтмишга, ота-боболарнинг ёруғ йўлига чуқур муҳаббат билан боғланганидандир, деб уйладим. Бу чўнг асардан олган энг муҳим хулосам шу бўлдики, инсонни фаолиятсизлик заифлаштиради ва хароб қилади. Бобур Мирзо бўлса, жаҳоний фаолият майдонларида сурон солиб яшади, ижод қилди ва мислсиз ибрат намунасига айланди.

ЗАМОНДОШ

ФАОЛЛИК ФАЗИЛАТИ



Бу дунёда нима осон? Бировнинг таржимаи ҳолини баён қилиш осон. Саналару лавозимларни шарт-шарт айтасан-қўясан. Аммо бугун сўз юритмоқчи бўлган қалам соҳибининг фаолиятини шу маълумотларнинг ўзи билангина тўла ҳолда кўз олдимизга келтира олмаймиз.

Аҳмаджон Мелибоев – туғма журналист, жамиятда кечаётган ижтимоий-сисий ҳодисаларга бефарқ бўла олмайдиган публицист. Камина у кишининг бир кунини ҳам соҳадан айри ҳолда тасаввур эта олмайман. Ҳатто, хорижга хизмат сафари билан ёки дам олишга борса ҳам, қалам-дафтарини, кейинги пайтларда ноутбукини олиб кетади. У ердаги ҳаётни солиштиради, ниманингдир бизда ҳам бўлишини истаб, қийсий-таҳлилий мулоҳаза юритади, жўяли-жўяли хулосалар чиқаради.

Уни бошқа журналистлардан кескин ажратиб турадиган муҳим-муҳим жиҳатлари бор. Биринчиси шуки, кўп йиллик тажрибалари асосида кетма-кет китоблар ёзиб келяпти. Очиғи, бу борада тайёр аънаналар йўқ даражада. Хўршид Дўстмуҳаммад, Фармон Тошев ва бошқа баъзиларининггина ижодида шу ҳодисани кузатамиз. Шундай экан, янги йўл излаб, аънанани ўзинг яратиб олишинг керак. Бу жиҳатдан Аҳмаджон ака жуда топқир. Биргина “Қирқ бешинчи бекат” (2008) китобини олиб кўрайлик. Номини матбуотдаги 45 йиллик фаолиятдан келиб чиқиб қўйган буни. Ундан миллий матбуотимиз муаммолари, унинг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги ўрни, журналист одобини, сўз масъулияти, ижодкор маҳорати ва муҳаррир малакаси ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, узоқ йиллар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалар, ўй-кечинмалар баён этилган мақолалар ўрин олган. Маза қилиб ўқийсиз: гап гапга, факт фактга, мулоҳаза мулоҳазага, таҳлил таҳлилга уланиб кетаверади. Кўнгилдан, бу китоб журналистика бўйича куппа-қуруқ услуб билан ёзилган айрим диссертациялардан кўра фойдалироқ, деган фикр ҳам ўтади.

Собиқ Иттифокда қайта қуриш ва ошқоралик даври бошлангач, Ўзбекистонда ҳам эзиллар уйғонди. Матбуот демократлашди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бу борада байроқдор бўлди. Аввал Одил Ёқубов, кейин Аҳмаджон Мелибоев бош муҳаррир сифатида бу жараённинг бошида турган. Мана, “Қирқ бешинчи бекат”даги шу билан боғлиқ талқин: “...Уша кезлари “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг муҳаррири Одил Ёқубов Ёзувчилар уюшмаси раиси этиб тайинланган, орадан анча вақт ўтганига қарамай, у кишининг ўрнига муносиб номзод топилмаётган эди. Бир эмас, бир неча кишининг номзодини қайта-қайта тақлиф қилиб кўрдик, аммо раҳбариятга маъқул бўлмади. Гап шундаки, саксонинчи йилларнинг охирида газета ўзининг шиддатли чиқишлари билан анча доврўф қозонган, адади 240 миңдан ошиб кетганди. Бўлажак муҳаррир бироз бе-бошлашаётган бу нашрни нисбатан “силлиқлаши” зарурлиги сир тутилмаётганди. Муҳаррир топил шўлидаги навбатдаги уринишимиз самара бермагач, бу ишни менга топширадиган бўлишди. “Йўқ” дейдиган замон эмасди. ...1988 йилнинг 23 март куни мени таҳририят аъзоларига расман таништиришди”.

Қизиқи, жиловни тортиб туриш учун “тепа”дан компартия марказий кўмитаси масъул ходими раҳбар қилиб юборилган. Лекин унинг даврида газета баттар демократлашди. Ишоти шуки, 1990 йилга келиб, нашр адади 886 миңга етди. Қарийб бир миллион деган гап!

У раҳбар бўлган даврда таҳририятда кучли жамоа шаклланган, чинакам демократия муҳити яратилган эди. Қайта қуриш йиллари шундай мураккаб жараён бўлдики, ўзбекининг илгор публицистлари ўзлари билиб-билимайми, асосан, икки нарсасга қарши мақолалар ёза бошлади. Биринчиси – мустамлакачиликдан қутулиш, иккинчиси – социализмдан воз кечиш. Аҳмаджон ака буни

шундай деб ифодалайди: “Муаллифларимиз ҳали шу чоққача матбуотимизда деярли қўл урилмаган мавзуларни қаламга ола бошладилар. Ёқубжон Хўжамбердиевнинг “Жазо”, “Умнат Ўзбекистоннинг тирикчилиги”, Мурод Абдуллаевнинг “Хиёнат”, Хайридин Султоннинг “Ҳақиқат жамоли”, Дадаҳон Нурийнинг “01 га кўнғирок”, Иzzат Султоннинг Фитрат ва Чўлпон ижодида бағишланган “Мадания-тимизнинг икки сиймоси” мақолалари кўпчиликка манзур бўлди. Чунки бу мақолаларнинг аксариятида тамомила янги талқинлар мавжуд эди”.

Бу даврда шундай қалтис масалаларни матбуотга олиб чиқиш силлиққина кечмаганини тўла тасаввур қилиб турибсиз, албатта. Умуман, дадиллик Аҳмаджон аканинг феълида бор. Бу – журналист учун бирламчи талаблардан ҳисобланади. Аҳмаджон ака ўзи иштирок этган ҳар қандай йиғинда дадил бир фикр-мулоҳаза билдиради.

У киши қайси лавозимда ишлагани, ижоддан тўхтамади. 2010 йиллар бир спектакль премьерасида кўришиб қолдик. У кишига ижоддаги мунтазамлигини мақтаган бўлдим. “Қаламқашнинг ёзмай қўйиши ўлган эмасми?” деди бамайлихотирлик билан. Аслида, бу бир шиор.

Аҳмаджон ака совет даврида камина билан боғлиқ жиддий англашмовчиликда бало-гардон бўлган эди. Бу яхшилигини дилимга тугиб қўйган эдим.

1997 ёки 1998 йил бўлса керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг “Ахборот маркази”да ишлайман. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси кураторлиги камина етакчи консультант бўлган гуруҳ-



га топширилган. Кутилмаганда шу газетанда тестга эътироз руҳидаги бир мақола босилиб қолди. Бу ё филология фанлари номзоди Неъмат Маҳкамовнинг мақоласи, ё унга жавоб тарзида битилган материал эди.

1995 йилдан олий таълим муассасаларига ўқишга кириш тест тизимига ўтказилган, бу илохотнинг ташаббускорлари раҳбариятга бу усулнинг адолатли, коррупциядан тамоман холи тизим эканини кафолатлашган эди. Шундай вазиятда мақоланинг таълим тизими масъулларига қандай таъсир қилганини тасаввур қилсангиз керак. Улардан бири Ахборот маркази раҳбари Саъдулла Ҳакимга эътироз билдирибди. Саъдулла ака каминани

хонасига қақриб, қатъий топшириқ берди:

– Бош муҳаррир Аҳмаджон ака Мелибоевни бу ёққа қақриб, вазиятни аниқлаштирасиз! Тушунтириш хати олмас!

Аҳмаджон аканинг “вертушка”ларини ёддан биламан: 62-93. Лекин... Бу тўрт рақамнинг учтасини шарт-шарт тераман-у, лекин охиригини теролмай, гўшакни жойига қўяман. Бир неча марта уриниб кўрдим, бўлмади. Юз иссиқ, жуда иссиқ, ахир. Ака билан бир факультетда ўқиганмиз. Биздан 8 ёш катта. Домлалардек кўрардик акани. Вақти-вақти билан гурунглримиз ҳам бор эди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига бош муҳаррирлик қилган йиллари кўплаб мақолаларим айнан шу нашрда босилган.

Ҳар қанча юқорининг топшириғи бўлмасин, мен у кишини қақриб, тушунтириш хати ёздириб олсам, вазиятни англаб турган бўлса ҳам, кайфиятига, ижодий режаларига салбий таъсир қилиши мумкин эди. Ҳаммамиз ҳам инсонмиз-да. Айниқса, қалами бор одамнинг кўнгли билан ҳазиллашиб бўлмайди. Бу ёни масала чуқурлашиб кетса, аканинг ҳақиқат учун охиригача курашишини яхши биламан. Таранг вазиятда “салла оламан”, деб, калла олиб қўйиш ҳеч гап эмас.

Хуллас, Аҳмаджон акага кўнғироқ қилмадим. Агар Саъдулла ака яна сўраганда, чақиртиришга мажбур бўлар эдим. Эртасига сўраса, тушунтириш хати олганимни айтишим, қоғозлар ичидан тополганимни баҳона қилиб, сўнг чақиртиришимни дилга тугиб қўйдим. Мана, орадан чорак асрдан кўпроқ вақт ўтди, бу хатни ҳеч ким мендан сўрагани йўқ.

Алишер Навоийнинг ёзишича, X асрда Ҳиротда яшаган буюк авлиё ва шоир Абдуллоҳ Ансорий вақтдан шу қадар унумли фойдаланар эканки, асти қўяверасиз. Тонг-саҳарлаб қори хузурига бориб, кироат ўргана, кейин келиб дарс тайёрлар, опти варақ ёзиб уни ёдлар, сўнг пири хизматига борар экан. Кунини шундай тақсим қилган эканки, ҳеч буюш вақт қолмас, аксинча, унга фурсат асло етишмас экан. Вақти тиғиздан-тиғиз бўлганидан, ҳатто илм йўлида кўпинча овқатланишдек мажбурий эҳтиёждан ҳам воз кечар, хуфтонга қадар оч юрар экан. Бу ҳақда унинг ўзи: “Кеча чирוף ёруғида ҳадис битир



“Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.”

Жорж БАЙРОН

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими



ЯНГИ НАШРЛАР

Уюшма тўхралари



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси нафақат ижодкорларимизни янги асарлар ёзишга илҳомлантириш, балки юртимиздаги давлат кутубхоналарини, шахсий китоб хазиналарини доимий бойитиб бориш, сермазмун асарларни ўқувчиларга етказиб беришга ҳам алоҳида аҳамият қаратаётгани эътиборлидир. Бу хайрли иш кўплаб адибларимизни китоб қиқариш "машмаш" сидан халос қилаётгани ҳам бор гап. Уюшма ҳомийлигида нашр этилаётган асарлар мактаб ва маҳаллаларга совға қилинмоқда, кенг жамоатчилик вакиллари билан ўтадиган учрашувларда бераз тарқатилмоқда.

Яқинда Ёзувчилар уюшмаси томонидан яна бир қатор янги нашрлар китобхонларга тақдим этилди. Куйида уларнинг айримлари билан таништирамиз.

Ўзбек болалар адабиётида Ҳамза Имонберdiyev ижоди алоҳида ўрин тутди. XX асрнинг 80-йилларида адабиётга дадил қадамлар билан кириб келган шоирнинг "Ужарлар", "Алла", "Лофчилар – алдоқчилар" сингари тўпламлари ўз вақтида кенг китобхонлар эътирофини қозонган. Хусусан, ўз бадиий услубига эга ижодкорнинг куйида келтирилаётган "Маслаҳат" сингари ўнлаб шеърлари кўпчилигимизнинг хотирамиздан мустаҳкам жой олган.

– Қанча "с" ёзилади
"Ҳасса" сўзида, ажаб?
Биттами, иккиттами, –
Билломай ҳайрон Ражаб.
– Учта "с" ёзинг, ака, –
Ақл ўргатар Жўра. –
Ортиб қолгани маъқул,
Етмай қолгандан кўра.

Ҳамза Имонберdiyevнинг болаларга аталган энг сара шеърлари, эртақ, дoston ва балладалари ўрин олган "Билагон" китоби нафақат болажонлар, катта ёшли китобхонларни ҳам бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Ҳол Муҳаммад Ҳасан асли касби ҳуқуқшунос бўлсада, айна пайтда адабиётга юксак меҳр кўйган, халқона шеърлари билан тилга тушган истеъдодли ижодкордир.

Бундан ўн йиллар муқаддам Ўзбекистон халқ артисти Махмуд Номозов ижросидаги "Кўза" қўшиғи кенг оммалашганини кўпчилик яхши эслади. Қўшиқнинг ниҳоятда

ўзига хос, ўзбек тилининг чиройли шеvasи асосида яратилган сўзлари айнан Ҳол Муҳаммад Ҳасанга тегишли.

Шоирнинг янги "Сайланма" сидан ана шундай халқона шеърлар билан бир қаторда чуқур фалсафий ҳикматларга асосланган тўртликлар ҳам ўрин олган.

**Ботиб ринду риёга, ҳирс кўйибсан дунёга,
Беш кунлик шу умрингда бечора осий бандга.**

**Қандоқ олиб кетарсан буларни у дунёга
Тўрваси йўқ тобутда, киссаси йўқ кафанда?**

Жиддий савол. Ўқувчини мушоҳадага, ҳаётга уйғоқнигоҳ билан боқишга ундайдиган бундай ҳикматли мисралар китобда бисёр.

Ўзбек шеърлятида ўз ўрнини топган ижодкор Гулом Мирзонинг ўтган давр мобайнида "Таайюн рақамлари", "Ойпараст дил", "Отанинг боғи", "Қалб томчилари", "Офтобга қайтаман", "Унутилган хур", "Яхши ҳам сиз борсиз" сингари ўнга яқин шеърлий тўпламлари нашр этилган ва ўз ўқувчисини топган.

Шоирнинг "Сайланма" сига асосан кейинги йилларда ёзган асарлари, шунингдек, айрим таржималари киритилган. Китобга "Эй, ой!" деган қўшимча ном берилиши шоир ижодида ой образи кўп ва ўринли истифода этилиши билан боғлиқ.

Гулом Мирзо – сўзни теран ҳис қиладиган, сўзни ўй-натиб ёзадиган шоир. Айна пайтда, сўз товланишлари шеърдаги маънони мустақамлашга хизмат қилиши, албатта, эътиборга лойиқ.

**Мансаб топиб – дўстни йўқотдим;
мансаб йўқолдию,
топилмади дўст.**

**Қор одам бор бўлса,
қарз сўраб келар-ку,
барибир.**

**Сулаймон эмасман
Ва бу ҳам
қаттол девларнинг бахти.**

Ўйлаймизки, мана шу кичик намуналар ҳам шоирнинг шеърлий иқтидорини намоян қилиб, адабиёт ихлосмандларини янги китобни топиб ўқишга даъват этади.

Адабиётга ўзининг тоғ чашмасидек тиниқ ва самимиий шеърлари билан кириб келган Меҳрибон Абду-

раҳмонова сўнги пайтларда насрда ҳам муваффақиятли қалам тебратмоқда.

Адибанинг янги "Сайланма" сидан "Дашт қиссаси", "Гулзор қишлоғининг гулдураклари", "Қонли шафақ сурати" номли қиссалари, "Дадамга мактуб", "Бойбўсин таваккал қилди", "Қўшнилари" каби туркум ҳикоялари, эсселари, мактублари ва лавҳалари жой олган.

Бу асарларнинг барчасида қишлоқ одамларининг бугунги ҳаёти, содда ва беғубор феъл-атвори, қувонч ва ташвишлари ишонарли тарзда бадиий ифода этилган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султон томонидан китобга ёзилган сўзбоши "Тоza туйгулар тараннуми" деб номланишида ҳақиқат бор. Зеро, Меҳрибон Абдураҳмонова тимсолида "Биз миллий адабиётимизда ўз йўли, ўз услубига эга яна бир истеъдодли адиба буй кўрсатди, дея баралла айта оламиз" ва мазкур "Сайланма" китобхонларнинг нафақат жавонидан, балки кўнгилик мулкидан ҳам муносиб жой олишига ишонамиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида нашрдан чиққан яна бир "Сайланма" шоира Ҳафиза Эгамберdiyeva қаламига мансуб. Китобнинг иккинчи номи – "Томчилар таваллоси".

Шоира шеърлари ўзига хос оҳанглари ва маъно товланишлари билан эътиборни тортади.

**Назарингда юпун, очдайман,
Гулин тўккан бир оғочдайман,
Асли кўқдан хабарлар олиб,
Ерга қайтган қалдирғочдайман...**

**Бу кун берган ризқинг тишлаб турибман,
Ғамнинг хамирини мушлаб турибман.
Топдим, деб суюниб, кафтимни очсам,
Бир ҳовуч тупроқни ушлаб турибман.**

**Излаб борманг мени баргу хазон ичра,
Ёнингиздан яшил кўйлак кийиб ўтдим...**


Бу шеърларни ўқир экансиз, ўзингизни худди кузги хиёбон оралаб фалсафий хаёлларга бериб, бу хаёллардан кўнглингизни поклаб ўтиб бораётгандай ҳис қиласиз.

Дарвоқе, ушбу китобларнинг барчаси "ADABIYOT" нашриёти томонидан минг нусхадан чоп этилган.

Икром БҮРИБОЕВ

ОЛАМ ОЛИМИ

Субрахманян ЧАНДРАСЕКХАР



юлдузлар ҳаддини аниқлаган нобелчи

Мирзо Улуғбек XV асрда ўз даври ва кейинги асрлар учун юлдузлар жойлашуви ва ҳаракатини мисли кўрилмаган аниқликда ўрганади. Астрономиянинг мураккаб масалаларига ечимлар беради. Шу тариқа бу соҳа ривожини бир неча юз йилга илгариллаб, XX асрда олимлар юлдузларнинг тузилиши, эволюциясини ўрганиш даражасига эришади. Бу йўналишда кўзга кўринган шахслардан бири ҳиндистонлик Субрахманян Чандрасекхардир.

БИОГРАФИЯ

У 1910 йил 19 октябрда Лаҳор шаҳрида туғилган. Оиласида маърифий кайфият ҳукмрон эди. Йигирма ёшга тўлганида амакиси Венката Раман "Ёруғлиқнинг тарқалиши буйича иши ва унинг номи билан аталган эффектнинг кашф этгани учун" физика буйича Нобель мукофотига лойиқ кўрилади.

Бошланғич ва ўрта таълимни уйда, хусусий мактабда ўзлаштиради. Олий таълимни Президент коллежиде олади. 1930 йилда Ҳиндистон ҳукумати унга аспирантурани Кембрижда ўқиш учун стипендия беради. 1933 йилда докторлик даражасини кўлга киритган. Илмий фаолиятининг асосий қисми Чикаго университетида ўтган.

ИЛМ ЙЎЛИ

Унинг фаолияти етти даврга бўлинган: юлдуз тузилиши, юлдуз динамикаси, нурланиш ўтказувчанлиги назарияси, гидродинамика ва гидромагнит барқарорлик, эллипсоидал шаклларнинг мувозанати ва барқарорлиги, релятивистик астрофизика ва қора туйнукларнинг математик назариясини ўрганиш.

Шу орқали физика қонунларини астрономия билан уйғунлаштириб, коинотни илмий асосда тушунтиришга улкан ҳисса қўшди.

ЭЪТИРОФ

1983 йилги физика буйича Нобель мукофоти Субрахманян Чандрасекхарга "Юлдузлар тузилиши ва эволюцияси учун муҳим бўлган физик жараёнларни назарий тадқиқ қилгани учун" ва Уильям Алфред Фулгерга "Коинотдаги кимёвий элементларнинг шаклланишида муҳим бўлган ядровий реакцияларни назарий ва экспериментал тадқиқ қилгани учун" тенг тақсимланди.

Олимнинг "Чандрасекхар чегараси" назарияси юлдузлар мавжудлиги асосини тушунишда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Унга кўра, агар юлдуз массаси маълум чегарадан ошиб кетса, у ўз барқарорлигини йўқотиб, нейтрон юлдуз ёки қора туйнукка айланади. Бу кашфиёт замонавий космология ва астрофизикада янги даврни бошлаб берди.

ХОТИРА

Қаҳрамонимизнинг илмий мероси бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Унинг ишлари орқали юлдузлар ҳаёт цикли аниқ тушунтирилди, қора туйнуклар назарий жиҳатдан асосланди, коинот эволюциясини ўрганиш янги боқичага кўтарилди.

1999 йилда NASA олим шарафига дунёдаги энг кучли рентген телескопини "Чандра рентген расадхонаси" деб атади. У саккиз баравар юқори аниқликка эга. Шу сабабли аввалги ҳар қандай рентген телескопи қараганда 20 баравар хира юлдузларни ҳам аниқлай олади.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ҲАЙИТ САБАБЛИ ТАНАФФУС

Афғонистон Қатар, Саудия Арабистони ва Туркия илтимосига кўра Покистонга қарши жанг ҳаракатларини вақтинча тўхтатди. Бу ҳақда Афғонистон ҳукумати вакили Забихулло Мужоҳид "Х" ижтимоий тармоғида маълум қилди.




Авалроқ Покистон ахборот ва телерадиоэшиштиришлар вазири Аттаулло Тарор ижтимоий тармоқда Покистон жанг ҳаракатларини вақтинча тўхтатгани ҳақида ёзганди. Танаффус 19 март тундан 24 март ярим тунгача давом этади.

ЕВРОПА ТРАМПГА "ЙЎҚ" ДЕДИ

АҚШ Президенти Дональд Трампнинг Хурмуз бўғозини очиш ва Эронга қарши глобал ҳаракатга қўшилиш борасида иттифоқчиларга юборган сўровига Европа давлатлари рад жавобини берди.

Европа етақчилари сабаб ва оқибати тўлиқ тушунтирилмаган ва фуқаролари орасида оммавий кайфият уйғотмаган ушбу мижрога тортилишдан хавфсизирамоқ



да. Бундан ташқари, Трампнинг йил бошида Данияга тегишли Гренландияни сотиб олиш нияти ва НАТОнинг келажига оид шубҳали қарашлари уларни ҳушёр торттирган.

Маълумот учун: АҚШ давлат қарзи тарихда биринчи марта 39 триллион долларлик чегарадан ошди.

ТАРМОҚДА "МАЖБУРИЙ ОБУНА"



"Max" мессенжерининг россиялик фойдаланувчилари тарғибот каналларига мажбуран обуна қилинаётганидан ва улардан чиқиб кетишнинг иложи йўқлигидан шикоят қилмоқда. Бу ҳақда "Meduza" хабар берди.

Айрим фойдаланувчилар каналлар рўйхатида ўзлари аъзо бўлмаган "Владимир Соловьёв", "Армия Россия" каби саҳифаларни кўриб қолган. Обунани бекор қилишга уринишда тугма ишламаган, баъзида эса ило-ва умуман қотиб қолган.

МАМЛАКАТ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИСИЗ ҚОЛДИ




Кубада миллий энергия тизимида узилиш юз берди, оқибатда 10 миллионга яқин киши (мамлакат аҳолисининг деярли ҳаммаси) чироқсиз қолди, деб хабар бермоқда "Reuters".

Куба электр тармоқлари оператори – UNE компанияси узилишнинг аниқ сабаблари ўрганилаётганини маълум қилди.

Мамлакатда электр энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш тизими маънавий эскирган бўлиб, илгари ҳам носозликлар кузатилган, бироқ АҚШ томонидан жорий этилган нефть блокадаси фониде муаммо янада чуқурлашди.





ЗИЁРАТ

Бошланиши 1-саҳифада.

Лекин муқаддас гўша — уйимга, Маккаю Мадина — онажоним ҳузурига бориб ётолмайман. Пахта — сиёсат, пахта — ота, пахта — она. Ўзим билган, деворларига серсоқол дохийларнинг портретлари, кўргазмали воситалар осилган хона бор-буди билан камина ва унинг дўстлари ихтиёрида.

Эй фалак, синфни-ку, қайтариб бердинг, лекин беғубор ёшлик, оққунгил дўстларим қани? “Ёрсиз ҳам бодасиз... эски дўконни на қилай?” (Маураб)

Ўйлаб қарасам, ҳаётимдаги бундай эврилишга биров хайрон ҳам бўлмабди. Мен эса таниш-билишдан уялиб, ўзимни четга тортишга уринаман — кўрган нима дейди?

Э, қай бирини айтасиз, СССР деган зулм салтанатида не-не кўргиликлар, адолатсизликлар бўлмаган. Дийдалар қотиб кетган. Қай бирига хайрон қолсин бечора мардум. Бошига нима келса, “партия-ҳукумат бир балони билмаса қилама”, дейди-қўяди-да.

Ўн-ўн беш кунча таниш тепаликлар оралаб “оқ олтин” терганимиз, қариндошлар хонадонидида меҳмон бўлганимиздан сўнг партия-ҳукумат “сийинг битди” дегандек биз — талаба аскарларни бошқа манзилга — бепоеъ далалари Имом Бухорий бобомиз зиёратгоҳига туташиб кетадиган Эрнарзқўрғон қишлоғига қараб қопток каби иргитди.

Дахрлийк замони эмасми, муқаддас қадамжонинг шундоқ бикинига келиб қолибмиз, деб биров ўйлагани ҳам йўқ. Бамисоли онгу тафаккуримиз оддий мантқ сарҳадидан чекиниб, ўзга бир номаълум кенгликлар узра тентираб юрарди...

1983 йил 31 октябрда Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов вафот этди. Юртимизга қарийб 25 йил етакчилик қилган буюк инсонни хотирлаб ақали йигин ҳам ўтказилмади. Барчанинг дарду хаёли фақат бир нарсада — план ўлгур қачон тўладию шаҳарга қачон қайтамиз?

Инсон шу қадр мукаммал яратилганмикан, ҳар қандай вазиятда ҳам қон-қони, суяк-суягининг ботиний бир буржиди тарихий хотира туйғуси, ажодлар олдидаги бурҷ ҳисси, оқилона фикрлашга чорлаб турадиган соғлом ҳужайра сақланиб қолади?!

Декабрь оғи ҳам оёқлаб борар, далада тош қотган қорақўсақдан бошқа ҳеч вақо қолмаган. Доимий дарддошим Хуррам ака билан қадимий кўрғоннинг қаршида жойлашган болалар божасига кириб борганимизда ҳовлининг қўшқимсон шийпончасида ҳамсабоқларим Сабоҳат, Гулчехра, Лола, Аҳмад ниманидир зўр бериб муҳокама қилишарди. Сабоҳат партия аъзоси бўлгани учун хушёрлик билан гапирар эди:

— Ҳеч ким билмаслиги керак. Шомга яқин йўлга чиқамиз. Бу ерга келишни бутун дунё мусулмонлари орзу қилади, биляисизларим, бутун дунё мусулмонлари орзу қилади. Шунча тузини едик, шу ергинага келиб, Бухорий бобомизни зиёрат қилиб кетмасак, ким деган одам бўламиз?

— Э, ў жойгинага шундай бореб бўлмайдۇ, расм-русўмини ташлаш керак, билдингизме? — деди бухорилық Аҳмад дўстиمنى одатдагидек ер шохлаш қилиб пўнгиллар экан.

— Бу ёғи ҳар кимнинг ўзига тан. Бир соатдан сўнг даланнинг рошида, ўқариқ устида қўришамиз. Салимбой ака ҳеч нарса билмасин, — деди Сабоҳат.

Салим ака — бригадиримиз. Ўқш масаласида ҳаминқадар бўлса-да, ташкилотчилиги бор. Пахта терими бошланишини интиқ-интизор бўлиб кутади. Бир ишнинг ортидан тушса, қиёмига етказмасдан кўймайди. Кечалари ўн-ўн беш чақирим йўл босиб, туман марказига ҳам бориб келади. Ким касал, кимнинг узрли иши чиқиб қолган, кимга қандай ёрдам зарур — барчасини ҳал қилади. Ректорнинг олдида ҳам, туман раҳбарлари ҳузурига ҳам тортинмасдан, бир томонга эгилган кўйи, одоблигина бўлиб, кириб кетаверади. Ёмғирли кунлар уст-бошининг сабаббоси чиқиб кетса ҳам елиб-югуришдан тўхтамайди. Талабалар “ҳақиқий чекист”, “Держинский”, “Андропов” деган мадху саноларни ёғдириб, дўстимининг роса шишаради. Бу болада, айниқса. Хуррам оғага тенг келадигани йўқ.

“Ленин ва Сталининг садоқатли шогирди, метин сафдоши, оташқалб инқилобчи, Андропов ишининг давомчиси”, деб таърифлайди оғамиз собит иродали дўстини. Кимдир “Маршал Устиновнинг кўшини”, дейдиган бўлса, “Э, кўтар Устиновнинг, бизнинг пўлатдек тобланган дохийимиз олдида у ким бўлибди, ҳозиргилардан фақат Андропов бир сафда тура олади, билдингми”, дея мақтов гулханига ўт қалайди дарвеш шоиримиз. Мақтов кимга ёқмайди, Салим оға завқи таранг тортиб, қорнини чангаллаганча қотиб-қотиб кулади.

Пахта тугаши билан дўстимининг шарафли миссияси ҳам хотима топади. Яна аввалгидек камтаргина бўлиб, оддий талабалар қаторига тушиб қолади, боқяқи.

Зиммасидаги вазифасини чин дилдан адо эта-

диган бу сабоқдошимиз кўп йиллар Зарафшон шаҳрида ҳоким ўринбосари бўлиб ишлади. Тақдир экан, коронавирус даврида бандалики бажо келтирди. Охираги обод бўлсин!

Бировга ёмонлиги йўқ, кўнгли пок инсон эди. Фақат соддалик қилиб, оғзидан гуллаб қўймасин, деган мақсадда бўлғуси зиёратимизни у кишидан сир тутдик.

Пахта даласининг шарқ тарафидида ўқариқ устида тўпланди. Домлаимиз Қаршибой ака Усмонов пўстинини елкага ташлаганча ким биландир суҳбатлашиб турарди. Тут дарахтлари қатор экилган ариқнинг нариги тарафи бошқа ҳўжалик — “Пайариқ” совхози. Секингина, битта-битта ўша пахтазорга ўтдик. Гўё кўрак тараётган бўлиб, гўза қаторлари оралаб эгилганча кетавердик. Ҳар-ҳар жойда одам қораси — бақир-чақир қилиб ётган қиз-жувонлар кўзга ташланади. Ниҳоят, даланинг адоғига етдик. Қамиш, шумғия босиб ётган зовурга ўхшаш жойга келдик.

— Мен ҳозир, — деди Аҳмад ва бутазор оралаб, кўздан пана, нишаброк жойни кўзлаб тўхтади.

Таҳорат олишга шайланганини сездик. Хуррам ака иккаламиз унга эргашдик.

Азиз ўқувчи, бу ожиз бандани маъзур тутгайсиз, ҳарчанд уринмай, воқеалар давоми қандай бўлганини ҳануз эслолмайман. Пахтазор оралаб, шошилнчда йиқилиб-суриниб, энтиқиб-эмаллаб пешонасим билан даланинг тупроқ деворига бориб урилганимизни хотирлайман, холос. Ўша онда беихтиёр ҳўшимдан кетдимми, Яратганинг иродини аила бутунгай бошқа дунёга тушиб қолдимми — бу ёғи менга қоронғи.

Бошимизда атеизм қилчи ўйнаб турган ўша оғир замонда юрак ютойиб, “совет студентиға ярашмайдиغان иш”ни амалга оширганимиз — Имом Бухорий бобомиз мақбарасини зиёрат қилганимизни ўйласам, кўнглим ёришиб кетади. Шу эзгу ишда ташаббускор бўлган дўстларимдан миннатдорман. Аслида, ташаббускор мен бўлишим керак эмасмиди?

Нимасини айтасиз, совет даврида барча йўллар, ҳатто буюк тарихимиз ва маданиятимиз, ажодларимиз хотираси томон борадиган манзиллар ҳам пахтазор оралаб ўтдик. Пахта зулм ва тақик, қуллик ва мутелик тисолига айлиниб кетганди. Пахта иши ҳар қандай муқаддас ишдан ҳам муқаддасроқ эди.

Ўтган йил ёзда аёлим билан бирга шу тарафга йўлимиз тушди. Дастлаб, Жомбой тарафдан кириб боришда Имом Бухорий ёдгорлигидан икки-уч чақирим беридаги Мани қишлоғига қўндик. Серсоя дарахт остида ўтириб, ўтганлар ҳақиға тилловат қилдик. 1971 йил 26 августда раҳматли қилагўҳим — Бухорий бобомизнинг отдоши Муҳаммадукул отам айни шу жойда машинадан кулаб, омонатини топширган...

Хаёл билан бўлиб, Имом Бухорий мажмуасига қараб буриладиган чорраҳадан ўтиб кетишимиз. Дарҳол ортага қайтиб, азим ёндоқ дарахти остида тўхтадик. “Нилий гўмбазлари кўк ичида — кўк, ложувард осмонда чиний қабутар” (*Фафур Фулом сатри*) янглиғ товланиб турган янги мажмуанинг муаззам ва биллурдек тиниқ биноси қаршида чўк тушиб, дуога қўл очдик. Ёдгорлик битиб, ишга тушиб кетса, албатта, зиёратга келамиз, деб ният қилдик.

Бугун — муборак Рамазон оғи охирида, улў айём кунлари яқинлашайтган мунаввар дамларда бутун халқимиз ана шу муқаддас қадамжонинг очилишини ажиб бир ҳавас ва ҳаяжон билан кутиб олмакда.

Бейхитёр ўша олис талабалик йилларимни, мисоли азми Ҳарам қилиб, зиёратга отланган ҳамсабоқ дўстларимни эслайман. Буюк Алишер Навоий бобомизнинг машҳур сатрлари ёдга тушади: “*Кўйнинг эҳромидин кўнглимни ман этмане яна // Ким, анга азми Ҳарам аввалгиларга ўхшамас*”.

Албатта, бу табаррук масканни қўрашб турган пахтазорлар энди йўқ. Уларнинг ўрнида кўзни қувонтирадиган манзаралар — ёрқин ранглар билан шўьлаланиб, ажиб нур таратаётган мухташам обода, замонавий турар-жойлар, маърифий масканлар, кенг ва равон йўллар, мухтасар айтганда, бутун бир шаҳарча қад ростлаган.

Қирқ уч йил олдинги тақиклар, ман этишлар аллақачон тарих уммонига фарқ бўлган. Қарийб ярим аср олдин қалбимизда замиғина тебранган гурур туйғуси бугун мана шу улўғвор обода каби кўкка юксалмокда.

Табийки, бизнинг зиёратимиз, буюк ажодларимиз руҳи покларига атаб қиладиган дуоларимиз ҳам энди бошқача.



Муртазо ҚАРШИБОЙ

ИЛМ ЙЎЛИ

ЭЪТИБОРДАН КУЧ ОЛДИМ

Сўхбатдошимиз ЎзФА Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Интерполиэлектролит комплекслар ва металлополимерлар лабораторияси мудири, кимё фанлари доктори, профессор Нойира ВОҲИДОВА яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги Фармониға биноан “Шўҳрат” медали билан тақдирланди.

— Нойира опа, аввало, юксак давлат мукофотиға лойиқ кўрилганинғиз билан табриклаймиз! Президентининг имзолаган фармонда турли соҳаларда алоҳида ютуққа эришган хотин-қизлар сафида тўрт нафар олиманинғиз ҳам исми зикр этилган. Улар орасида бўлиш ҳам шараф, ҳам масъулият демек...

— Инсон ютуққа эришар экан, бу фақат шахсий муваффақият бўлиб қолмайди, балки оиласи, меҳнат жамоаси, маҳалласи, умуман, жамиятга дахлдор ютуқдир. Айниқса, хотин-қизларнинг юксак марралар сари одимлашида атрафдоғиларнинг эътибори, ғамхўрлиги ва маслаҳатлари муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, ушбу мукофотни институтигимиз ва лабораториямиз илмий жамоаси меҳнатининг эътирофи этилиши, деб қабул қилдим.

Одатда, илм ахли совуққон ақл ва жиловланган ҳис-туйғулар билан яшайди. Илм аниқлик ва матонатни талаб қилади. Аммо фармонни ўқиганда тўпқиланиб, ҳаяжондан ўзимни қўрағажой топа олманганим бор гап. Бир лаҳзада бутун фаолиятим кўз олдимда кинотасмадек айланди.

Бизнинг авлод илм оламиға кириб келган асримиз бошларида мамлакатимизда илм-фанга бўлган эътибор ва илмий муассасалар ҳолати ҳаминқадар эди. Аксарият ўрта ёшли олимлар ўзини тирикчилик измиға ташлаган, катта авлод эса “қанотда филча” бўлиб, мавжуд мактабларни сақлаб қолуш учун курашайтганди. Авлодлар ўртасида кўприклар қулаётган, жамиятда зиёлиларнинг мавқеи тушаётган давр... Олимларнинг сочи долзарб илмий муаммолардан эмас, айтилиб, ойликдан ойликкача кун кўриш, стрессдан чиқиб кетиш, “прописка”ға оид масалалардан оқарарди. Мана шундай пайтда ёш қизларнинг бу майдон ичра туриши учун билим, хоҳиш ва қаноатнинг ўзи камлик қиларди. Бу ўринда оиланинг қўллови асосий таянч бўлган. Аммо ҳаммага ҳам бундай таянч насиб қилмади ўша вақтда... Бу томондан сийланганларданман: аввал ота-онам, кейин турмуш ўртоғим доимий илҳом манбаим, мустаҳкам таянчим бўлди.

Мана, ўша йиллар ҳам ортада қолди. Агар ўз вақтида устозлар эганидан маҳкам тутмаганимда, сабр қилмаганимда, мақсадим йўлидаги тўсиқларға парво қилмаганимда, бугун бу шарафға лойиқ кўрилмасдим.

— Олим қадри ҳам энди аввалгиларға ўхшамас, дегим келди дил сўзларинғизни тинглаб. Бугун илм-фан соҳасиға кириб келаятган хотин-қизларға ҳавсинғиз чандон бўлса керак?

— Омон Матжондан жуда чиройли ўхшатиш қилдингиз. Ўзим ҳам шўьрлар қоралаб тураман, аммо машқлар бўлгани учун эълон қилмайман. Таъсирланган пайтларимда эса бейхитёр таъсирчан сатрларға мурожаат қиламан. Масалан, саволинғизға жавобни “Оҳ, сенинғ ёшлиғинғ менда бўлсайди!” деб бошлагим келди.

Президентимиз бошчилиғидаги изчил ислохотлар Ўзбекистон илм-фа-

ниға янги ҳаёт бағишлади. Фанлар академияси фаолияти такомиллашди, унинг тасарруфидаги институтлар қайта ташкил этилди, лабораторияларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, олимлар маоши оширилди, халқаро ҳамкорликка кенг йўл очилди. Биргина мисол, илм-фаннинг давлат сиёсатидаги ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилинди. Шунингдек, илмий-техникавий ривожланишни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётда рақобатбардошликни ошириш мақсадида “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилди. Шу ва бошқа ҳужжатлар Фанлар академияси тасарруфидаги илмий-тадқиқот институтилари фаолиятини ташкиллаштириш ва тадқиқотлар сифатиға ўз таъсирини кўрсатаётир.

“Бугун олиғоғда ўқиётган қизларимиз сони 904 мингдан ошиб, жами талабаларнинг 54 фоизини ташкил этмокда. Ўтган йили 60 нафар қизимиз дунёдаги энг нуфузли олиғоғларға ўқишға киргани, албатта, барчамизни кубонтиради. Стажёр-тадқиқотчилар ва докторантурада таҳсил олаётганларнинг 8,5 минг нафари, яъни 61 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани ҳам эътиборлидир”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ (Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқдан)

Республикамизда илм-фан соҳасида фаолият юритаётган аёлларға алоҳида эътибор кўрсатилмокда. Жумладан, фақат хотин-қизлар учун мўлжалланган илмий лойиҳалар танлови, докторантура учун алоҳида квоталар ажратилиши дунёда муқобили кам бўлган ҳолатдир. Кейинги беш йилда юртимизда 11 февраль — “Халқаро илм-фан соҳасидаги аёл ва қизлар кунини” кенг миқёсда нишонланмокда. Жорий йилда сана муносабати билан Тошкент шаҳрида Марказий Осиё олималари илмий анжумани ўтказилди. Бу жараёнлардан мақсад битта: аёлларни нафақат инновация иштирокисини, балки етакчиси сифатида кўриш, биргаликда минтақани билим ва инновация марказиға айлантиришидир.

Ўқимшли хотин-қизларни қўллашдан миллат фақатгина ютади: жамиятимизда жасоратли, юраги катта, ўқтам, оқил фарзандлар кўпаяди! Зеро, халқимизда “Отаси яхши — биттаси яхши. Онаси яхши — ҳаммаси яхши”, деган мақол бежиз айтилмади.

— Сўхбатни илмий фаолиятинғиз ва лабораторияда олиб борилаётган илмий ишлар ҳақида давом эттирсак.

— Лабораториямиз Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуқсиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган эди.

Бу ерда интерполиэлектролит комплекслар, хелатлар, хусусан, наноструктурали полимер-металл тизимларни олишининг фундаментали ва термодинамик тамойиллари ўрганилади, “синтез-тузилма-хосса” боғлиқлиғи аниқланади.

Илмий фаолиятимни 2002 йилда Полимерлар кимёси ва физикаси институтида стажёр-тадқиқотчи сифатида бошлаганман. 2008 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаб, унинг натижаларини республикамиз музейларида кичик миқёсдаги таъмирлаш ишларида амалиётға татбиқ этгандик. 2013 йилда Тошкент вилоятининг Овжазсой худудидан топилган ноёб палеонтологик



қазилма — Архидискодон қолдиқларини таъмирлаш ва Ўзбекистон худудиди бундан 1,8 миллион йил илғари ҳаёт мавжуд бўлганини исботловчи мазкур қазилманинғиз сақланишида ҳиссамизни қўшганимиздан мамнунимиз. Ҳозирда қадимги мамонтларнинг ажодларини — Архидискодон қолдиқлари Геология давлат музейида сақланмокда.

Айтиш жоизки, докторлик ишим ҳамда инновацион лойиҳалар доирасида жамоамиз билан қишлоқ ҳўжалиғи ва ветеринария учун биологик фаол, экологик хавфсиз препаратлар яратишға эришдик. Республика Давлат кимё ва Ветеринария қўмиталирида рўйхатға олинган “Купрумхит” ва “Наноапатит” каби агропрепаратлар шулар жумласидан. Ҳар иккала дори воситаси ҳам маҳаллий хомашўлар, яъни табиий ипак саноати чиқиндисини — тут ипак курти гўмбағидан ажратиб олинандиган хитозан асосида синтез қилинади. “Купрумхит” — фунгицидлик самарасиға эға биостимулятор ҳисобланиб, гўза ва бугдой уруғларини экишдан олдин ишлов беришда қўлланади. Бундан ташқари, бу агропрепарат даналик ва мевали дарахтларға зарар келтирувчи монилизос касаллиғининг олдини олиш ва уни даволашда самарали ҳисобланади.

“Наноапатит” эса тирик организмларда калций ва фосфор баланси бузилиши натижасида келиб чиқадиган остеопороз ва остеомалация профилактикаси ва уни даволашда ишлатилади. Бугунги кунда мазкур илмий маҳсулот Ветеринария қўмитаси томонидан паррандалар тухумдорлигини ошириш ва улар организмидида минерал моддалар балансини сақлаш учун озукасиға қўшимча сифатида ишлатишға рухсат этилган.

Шунингдек, тупроқ, сув, ҳаво ва тирик организмларға зарарли таъсири бўлмаган ўсимликларда учрайдиган шира, трипс, кўсақ курти синғари зарарли ҳашаротларға қарши маҳаллий инсектицидлар олинди ва хозирги кунда илмий тадқиқотларимиз давом этмокда.

— Ҳам олима, ҳам раҳбар бўлиш бир аёлға оғирлик қилмайди?

— Бу ишға қандай қарашға боғлиқ. Англаганим, раҳбарлик ва олимлик турли йўналишдаги фаолият ҳисобланади. Шунинг учун кун тартибимни, куч-қувватимни расмий ва илмий фаолиятға баробар тақсимлашға ҳаракат қиламан. Ишонч билдирилгандан кейин уни оқлаш керак-да.

Баъзан фақат илм йўлидан кетсамчи, деган ўйлар ҳам пайдо бўлади. Аммо унда худбинлик қилган бўлмайманми, дейман яна. 8 март байрамиди Давлатимиз раҳбарининг: “Биз учун бугунги ўта оғир ва мураккаб замонда олдимизға қўйган улкан марраларни эғаллашда янада бирлашиб, ҳамжихат бўлиб меҳнат қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифадир. Ишончим комил, сиздек фидойий, шижоатли, меҳнаткаш аёлларимиз, бутун халқимиз билан бирга эзгу мақсадларимизға, албатта, эришамиз!” деган сўзларини тинглаб, кўч олдим, илҳомландим.

— Нойира опа, мазмунли ва теран мушоҳадали сўхбатинғиз учун раҳмат! Олдимизда турган байрамлар муносабати билан Сизни чин дилдан қўтлаймиз! Ортдошларимизға тилақларинғиз бўлса, марҳамат, билдиришинғиз мумкин.

— Қадри газетхонларни, олималарни, халқимизни Наврўз ва Рамазон ҳайити билан табриклайман! Ҳаммага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайман! Энг асосийси, юртимиз тинч бўлсин! Миллат оналари, аёллари, қизлари ана шу тинчлик учун ўз муносиб ҳиссасини қўшишда бардавом бўлсин! Жадид боболаримиз ёқиб кетган машъалалар нури диллимизни ҳамиша мунаввар қилиб турсин!

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА сўхбатлашди.



“Аёлларни ўқитишимиз — оқилона иш. Аёлларға таълим беришимиз дунёни ўзгартиради.”
Дру ФАУСТ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

Халқимизни **РАМАЗОН ҲАЙИТИ** ҳамда
НАВРЎЗ АЙЁМИ билан самимий
муборақбод этади.
Юртимиз фаровон,
осмонимиз мусаффо бўлсин!



ОГОҲЛИК

Ҳазрат Алишер Навоий огоҳликни шоҳлик даражасига кўтарган. Огоҳлик – бу фақат ахборотга эга бўлиш эмас. Огоҳлик – масъулият. Огоҳлик – ҳаракат. Огоҳлик – жим турмаслик. Бугун бизда ахборот кўп, лекин жасорат кам. Гап кўп, амал оз. Танқид бор, ташаббус йўқ. Демак, огоҳлик бу ҳам вафодорлик, ҳам масъулият, ҳам амал.

- Эшитдингизми?
- Нимани?..
- Фалончи бойнинг ўғли гиёҳванд экан.
- Билардим, кўзи гезариб юрарди, қадам олиши бежо эди.
- Маҳалламиз бошидаги фалончини айтмайсизми...?
- Унга нима бўлибди? Уйда ҳар куни жанжал, тинчлик йўқ шуларнинг дастидан.
- Фалончининг қизини эшитдингизми? Кўпчиликнинг ёстиғини қуритган эмиш. Одамларнинг маълумотларини олиб, номларига кредит расмийлаштириб, пластик карталаридан кўп миқдорда пуллар ечиб оладиган фирибгарларга қўшилган экан...
- Замонавий дунёда ҳушёрлик муҳим. Биз шунчалар ҳушёрлик, маҳалламиз, кўчамиз, ҳатто хонадонлардаги вазиятлардан хабардоримиз. Бироқ адашганларни тўғри йўлга бошлашга шошилмаймиз. Аксинча, бошига кулфат тушиб, мусибатга айланган, оила пароканда бўлгандан

ҒИЙБАТ ЭМАС, ИБРАТ КЕРАК



кейин гапираемиз. Шунда ҳам "Билардим, ўзи шундай бўлиши керак эди, қилмиш-қидирмиш", демоқдан, ғийбатдан нари ўтмаймиз. Нега айримларимиз маҳалладаги бундай салбий ҳолатларга кўз юмамиз? Маҳалла еттиликни, нурунийларни, маҳалла фаолларини огоҳлантирмаймиз.

Шу каби "ҳушёрлик"ларимиз натижаси ўлароқ, масалан, Сирдарё вилоятида 2024 йилда гиёҳванд мод-

даларни сақлаш, сотиш, тақиқланган экин экиш, унинг контрабандаси билан шуғулланишга доир 335 та жиноят аниқланган бўлса, 2025 йилда бу рақам 362 тага кўпайган ёки 7,5 фоизга ортган. 2024 йилда 1 минг 191 та, 2025 йилда 1 минг 905 та киберўғриликлар ва киберфирибгарлик жиноятлари содир этилган. 2024 йил мобайнида 6 минг 873 та никоҳ расмийлаштирилган бўлса, 1 минг 505 та (21,8 фоиз) оилавий ажрим қузатилган. 2025 йилда

эса 6 минг 778 та никоҳ қайд этилиб, 1 минг 573 та (23,2 фоиз) ажрим қузатилган. Эътибор берсак, никоҳланиш камайиб, ажрим кўпайиб бораётгани афсусланарли. Энди бу кўрсаткичларни республика миқёсида таҳлил қилиб кўринг...

Жамият ҳам муайян дастгоҳ каби яхлит тизим. Бирор бўғини яхши ишламас, ижтимоий муҳитда қонун бузилишлар, ҳуқуқбузарликлар, кўнгил хиралликлар содир бўлаверади. Бунинг учун барчамиз шу дастгоҳнинг мурвати сифатида жавобгармиз.

Агар ҳар биримиз "менга нима" деган қарашдан воз кечмасак, эртага бундай салбий кўрсаткичлар янада ошмаслигига кафолат йўқ. Агар маҳалладаги муаммога ўзимизнинг муаммодек қарамасак, у бир куни бизнинг ҳам эшигимизни қоқайди.

Рамазон ҳайити ва Наврўз байрами маъно-моҳиятига кўра, меҳр-оқибат, силайи раҳм, тарбия ва ибрат айёмидир. Шундай қутлуғ кунларда эътиборсизлигимиз туфайли илдиш отаётган иллатларга ҳам эътибор қаратсак ёмон бўлмайди, менимча. Тарбияда танаффус йўқ, дейдилар-ку...

Баҳром БОЙМУРОДОВ

ТИЛБИЛИМ

Сумалак – форс ва турк халқларининг машҳур баҳор емаги, ўзбекча – сумалак, тожикча – суманак, туркча – саману, форсча – саманак, қирғизча – сүмөлөк, озарбайжонча – sətəni halvəsi, туркманча – semeni, уйғурча – ўндурма.



СУМАЛАК

"Сумалак" сўзи этимологияси ҳақида гап кетганда унинг форсча шу маънодаги "саману" сўзидан эканлиги ва Исломдан олдин ҳам мавжуд бўлгани айтилади. Маҳмуд Кошғарий "Девону лугатит турк"да маъно жиҳатидан "сумалак"ни жуда эслатувчи туркча "сума" сўзини келтиради. "Девон"да унга берилган изоҳни ўқиймиз:

"Сума – ивтиланган буғдой номи. Уни қуриб туйилади. Сўнг ундан угра ош ва нон қилинади. Шарбат учун қилинган, ундирилган арпа учун ҳам бу сўз қўлланади". Айниқса, мазкур изоҳдаги: "шарбат учун қилинган, ундирилган арпа" сўзлари бизга сумалакни эслатади. Мўғул тилида ҳам шунга яқин сўзга дуч келамиз: "sötüsün (халха: "сөмс") – қайнатма, сабзавот ва ёрмалардан тайёрланган суюқ овқат, сўп". Мазкур сўзлар қади-

мий олтой оиласига мансуб умумий бир ўзакка бориб тақалиши ҳам мумкин.

Турк ва эрон халқлари минг йиллар давомида бақамти, бир худудда яшаб келган. Шу боис Кошғарий бобомиз: "турк бор жойда тат бор" ("тат" – "Девон"да "форсий", баъзан "уйғур" маъносига келган), отасўзини "Девон"да бир неча ўринда келтирган. Шундай экан, ўзаро таъсирланиш, бир-бирдан ўзлаштириш ҳоллари фақат бир томонлама эмас, албатта, икки томонлама бўлган. Шу боис "сумалак" ва Кошғарий бобомиз келтирган "сума" сўзлари ўзаро алоқадор бўлиши мумкинми, деган саволни ўрганиб кўриш ҳам мантиққа зид бўлмайди.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

Jadid
adabiy, ilmiy-maʼrifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Гулчеҳра Умарова

Адади – 18 501
Шундан:

Кирилл ёзувида – 6 708
Лотин ёзувида – 11 793
Медиа кузатувчилар – 79475
Буюртма: Г – 339
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ"
ЖАМОАТ ФОНДИ